Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 132 (2421)
ШАНБА
8 ИЮНЬ, 1974 й
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

МУҲАММАД ДОВУД ТОШКЕНТГА КЕЛДИ

СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан расмий дўстлик визити билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Афғонистон Республикаси давлатининг бошлиғи ва бош министри Муҳаммад Довуд 7 июнда Ўзбекистон пойтахтига келди.

Афғонистон Республикаси Совет Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат байроқлари билан безатилган Тошкент аэродромида М. Довудни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, СССР министри С. Ф. Антонов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари ва ташқи ишлар министри М. Т. Турсунов, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР министрлари, бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

Афғонистон Республикаси давлатининг бошлиғи ва бош министри М. Довудниг мамлакат бўйлаб қилаётган сафарида унга ҳамроҳ бўлган СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССРнинг Афғонистон Республикасидаги элчиси А. М. Пузанов ҳам у билан бирга келдилар.

М. Довуд билан бирга Афғонистон Республикасининг савдо министри М. Ҳон Жалоллар, планлаштириш министри А. А. Ҳуррам, ташқи ишлар министрининг биёсий ўринбосари В. Абдулла, Афғонистоннинг бошқа давлат арбоблари, шунингдек Афғонистон Республикасининг СССРдаги элчиси Нур Аҳмад Эътимодий келишди.

Тошкент меҳнаткашларининг вакиллари олий мартабали меҳмонни табриклаб кутиб олдилар.

М. Довуд Н. М. Матчонов билан бирга ўзи учун ажратилган резиденцияга йўл олди. Фахрий эскорт ҳамроҳлигидаги кортеж шаҳарнинг байроқлар ва табрик транспарантлари билан безатилган кўчалар ва майдонларидан ўтди. (ЎзТАГ).

ДЎСТОНА ВАЗИЯТДА

Афғонистон Республикасининг давлат бошлиғи ва бош министри Муҳаммад Довуд 7 июнда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов ҳузурида бўлди.

Самимий, дўстона вазиятда суҳбат бўлиб ўтди.

* * *

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика ҳукумати 7 июнда Афғонистон Республикасининг давлат бошлиғи ва бош министри Муҳаммад Довуд шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Муҳаммад Довудга Совет Иттифоқи бўйлаб сафарида ҳамроҳ бўлиб келган Афғонистон давлат арбоблари, шунингдек Афғонистон Республикасининг СССРдаги элчиси Нур Аҳмад Эътимодий бор эдилар.

Совет томонидан зиёфатда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. М. Матчонов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе, СССРнинг Афғонистон Республикасидаги элчиси А. М. Пузанов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар А. Д. Бесчастнов, М. М. Мусахонов, О. У. Салимов, Н. Маҳмудов, Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси С. Х. Сирожиддинов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, К. А. Аҳмедов, И. В. Марцинюк, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Ҳ. М. Пулатова, Ўзбекистон ССР министрлари, бошқа расмий кишилар ҳозир бўлишди.

Н. М. Матчонов билан Муҳаммад Довуд қадаҳ кўтариб, нутқ сўзладилар.

Зиёфат самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

БЕЛГИЛОВЧИ ЙИЛНИНГ ЗАРБДОР ОДИМЛАРИ

Пойтахтимиздаги «Средазэнергоцветмет» техника ишлаб чиқариш корхонасига қарашли изотоп приборлари тайёрлаш цехининг ёш сдесари комсомол аъзоси Борий Симхаев ўзининг беш йиллик шахсий топшириқларини тўрт йилда бажаришга аҳд қилган ишчилардан бири. У приборлар учун деталлар тайёрлаш топшириқларини мунтазам 120—130 процент бажаради.

СУРАТДА: Б. Симхаев.

М. Нуриддинов фотоси.

Комсомол ҳаёти

МУҲИМ ВАЗИФАЛАР ОЛДИДА

Пойтахт область ва шаҳримиз комсомоллари ўртасида ВЛКСМ XVII съезди материалларини ва бу анжуманда КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев сўзлаган ажойиб нутқни область комсомол ёшлари ўртасида пропаганда қилиш масалаларига бағишланиб Тошкент область партия комитетининг кичик мажлислар залида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Бу семинар-йиғилиш область комсомол комитети томонидан шу йил 10 июндан 17 июнгача ўтадиган ёш лекторлар ҳафталиги масалаларига бағишланди. Унда пойтахт областидаги шаҳар ва район комсомол комитетларининг секретарлари, лекторлар группасининг бошлиқлари ва ВЛКСМ XVII съезди делегатлари қатнашдилар.

Семинар - йиғилишни Тошкент область комсомол комитетининг биринчи секретари Ш. Н. Бобоев кириш нутқи сўзлаб очди. Область партия комитети лекторлар группасининг мудири, тарих фанлари кандидати Т. Н. Салоҳиддинов «Лекторлик маҳорати, ВЛКСМ XVII съезди материаллари ва КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг съездда сўзлаган нутқи муносабати билан ҳозирги кунда область комсомол ташкилотлари олдида турган вазифалар ҳақида» доклад қилди.

Семинар-йиғилишда сўзга чиққан ўртоқлар комсомол съезди материалларини пропаганда қилиш ҳақида қиммат-ли фикрларни билдирдилар.

ЭРТАГА—ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

УЛКАН ЗАФАРЛАР, КАТТА МАРРАЛАР

Министр билан суҳбат

Эртага енгил саноатчиларимиз ўзларининг анъанавий байрамлари — Енгил саноат ходимлари кунини нишонлайдилар. Ана шу байрам арафасида Ўзбекистон ССР Енгил саноат министри Фахмуддин Хўжаевич Хўжаевга мурожаат қилиб, бир неча саволларга жавоб беришини илтимос қилдик. Қуйида министр Ф. Х. Хўжаевнинг мухбиримиз саволларига берган жавоблари билан танишасиз.

САВОЛ: — Министрликка қарашли корхоналарнинг коллективлари ўз байрамларини қандай ютуқлар билан кутиб олаяптилар?

ЖАВОБ: — Анъанавий байрамимиз — Енгил саноат ходимлари кунини биз бу йил ўзгача бир ҳаяжон билан кутиб олмоқдамиз. Бу йилги байрамимиз жуда ажойиб пайтга тўғри келди, ҳозир ҳамма жойда СССР Олий Советига ўтказиладиган сайловларга катта тайёргарлик ишлари бормоқда. Иккинчидан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шоҳли 50 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа қизғин тус олмоқда.

Бутун эл-юрт қатори республикамизнинг азамат енгил саноатчилари ҳам қизғин меҳнат қилиб, ўз байрамларини муносиб совғалар билан кутиб олдилар. Улар ўз зиммаларига олган топшириқларини ортиғи билан бажариб, планга қўшимча яна турли хил маҳсулотлар ишлаб чиқаришга улгурдилар. Ўтган беш ой мобайнида белгиланганидан 14 миллион 815 минг сўмликдан зиёд ҳар хил кийим-кечак, пойафзал, газлама, трикотаж, чинни буюмлари реализация қилинди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг барча сайловчиларига ҳамда гражданларига қилган Мурожаатида мамлакатимиз индустрияси беқиёс даражада ривожланганлиги, меҳнаткашларнинг маданий ва моддий фаровонлиги юксалганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ҳақиқатан ҳам, мамлакатимиз халқ хўжалигида қўлга киритилаётган ютуқлар катта бўлаяпти. Буни республикамиз енгил саноати тараққиёти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Бугун биз байрамимиз арафасида, ярим аср мобайнида эришилган ғалабалар чўққисида туриб, республикамизнинг ўтмишига, унинг саноат даражасига назар ташламоқдамиз.

Ўзбекистонда Октябрь революциясига қадар бирорта ҳам тикувчилик корхонаси йўқ эди. Ҳозирги кунда республикамиз тикувчилик маҳсулотларининг ҳажми жиҳатидан иттифоқимизда етакчи ўринлардан бирига кўтарилган. Дастлабки беш йилликларга нисбатан тикувчилик маҳсулотларининг ҳажми 300 баравар ошди.

Бугунги Совет Ўзбекистонининг енгил саноати кенг тармоқли, унинг маҳсулотлари хилма хил, ранг-баранг. Турли хил рангларда жилоланиб турган атласларимиз, жарангдор чинни идишларимиз, кийим-кечакларимиз ва гулдор ғазламаларимиз республикамиз енгил саноатининг бугунги жамолини кўз-кўз қилиб турибди.

Ҳозирги кунда республикамизда 67 та замонавий енгил саноат корхонаси ишлаб турибди, уларда 113 мингдан зиёд ишчи фидокорона меҳнат қилмоқда. Бугун Ўзбекистон саноати тайёрлаётган ялпи маҳсулотнинг салкам 43 процентини ишлаб чиқармоқда, миллий даромаднинг учдан бир қисмидан кўпроғини яратмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Зайнаб Усмонова шаҳримиздаги Охунбобоев номли бош кийимлар фабрикасида тикувчи бўлиб ишлайди. Бу коммунистик меҳнат зарбдори шу кунларда 1976 йилнинг июнь ойи ҳисобига махсулот ишлаб чиқармоқда. Кунлик нормасини 150 процент ado этаётган З. Усмонова меҳнаткашлар депуталари Собир Раҳимов район Совети нинг депутати.

СУРАТДА: З. Усмонова.

И. Шоиногомов фотоси.

Шаҳар—қишлоққа

БУЮРТМА БАЖАРИЛДИ

«Шарқ» мебель фирмаси рационализаторлари ижодий изланиб, бу йилнинг ўтган даврида уч хил янги маҳсулот яратдилар. Жумладан, кир қуритадиган тумбочкалар, ёғоч кроватлар, уй ва идоралар учун қулай шкафлар ишлаб чиқарилмоқда.

Янги жиҳозларга Андижондан кўплаб буюртмалар олинди. Фирма мебелсозлари буюртмаларни муддатида жўнатиб туришибди. Куни кеча мазкур областнинг Избоскан районига 12 комплект, Қўрғонтепага эса 13 кишилик шкафлар жўнатилди.

Кеча

АНДИЖОНГА «ДН-120» МАРКАЛИ ЯНГИ ШКАФЛАРДАН 40 ДОНАСИ ЖЎНАТИЛДИ.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ВАТАНПАРВАРЛАРИ, СИЗЛАРГА МУВАФФАҚИЯТ ТИЛАЙМИЗ!

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтининг студентлари ва ўқитувчилари 6 июнда шу институтнинг мажлислар залида тўпланишди. Ана шу институтда ўқиётган Вьетнам ёшларининг вакиллари ҳам бу ерга келишди. Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат Революцион ҳукумати ташкил топган кунининг беш йиллигига бағишлаб митинг ўтказилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар ҳаҳрамон Жанубий Вьетнам халқига ҳардошларча бирдамлик туйғуларини изҳор қилдилар, шонли байрам муносабати билан уларни самимий табриклидилар, халқлар ўртасида интернационализм ва дўстлик ленинча принципларига содиқ бўлган совет кишилари миллий-озодлик ҳаракатида, Париж битимини амалга ошириш учун, тинчлик ўрнатиш учун курашда Жанубий Вьетнам ватанпарварларига бундан буён ҳам ҳар томонлама ёрдам беражакларини айтдилар.

Қишлоқ хўжалиги, тўқимачилик институтларида ва Ўзбекистон пойтахтидаги бошқа ўқув юртларида ҳам шундай митинглар бўлиб ўтди. Бу митинглар-нинг қатнашчилари якдиллик билан қабул қилинган резолюцияларда Сайгон режимининг Париж битимини сурбетларча бузаётганлигини кескин қоралидилар. Резолюцияларда Жанубий Вьетнам халқининг ўз миллий орзу-тилакларини амалга оширишда муваффақият қозониши ҳақидаги самимий истаклар баён қилинган.

(ЎзТАГ).

КЎРГАЗМАДА САНОАТ МОЛЛАРИ

Эртага Бутуниттифоқ енгил саноат ходимларининг байрами.

Кеча

Тўқимачилар маданият саройида ана шу байрамга бағишланган катта тантанали кеча бўлди. Унда республика енгил саноат министри Ф. Хўжаев сўзга чиқиб, 50 йил ичида республика енгил саноати қўлга киритган ютуқлар ва келгусидаги режалар ҳақида гапирди.

Кечада республикамиз енгил саноати ходимларидан 200 дан ортиқ киши иштирок этди. Йиғилиш охирида тўқимачилар ҳаётини акс эттирувчи «Эски девор» кинофильми намойиш этилди.

Тўқимачилар маданият саройида шу санага бағишлаб республика енгил саноат корхоналарида тайёрланаётган турли хил халқ истеъмол моллари кўргазмаси намойиш этилмоқда.

Тонгги газеталарда

★ «Сайловларга тайёргарлик якунланди» — «Правда» газетасининг бугунги бош мақоласи ана шундай номланади.

★ КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев расмий визит билан Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитетининг аъзоси, ЧССР миллий мудофаа министри армия генерали М. Дзурни кеча Кремлда қабул қилди. Бўлиб ўтган самимий, дўстона суҳбат вақтида ҳар икки томонни қизиқтирган масалалар муҳокама қилинди.

★ Панама халқ партияси делегацияси Узбекистон билан танишиб чиқмоқда. Меҳмонлар В. И. Ленин Марказий музейи филиалида, республика Халқ хўжалиги ютуқлари выставкасини кўздан кечирдилар, Ўрта Чирчиқ районидаги «Полярная звезда» колхозида, Тошкент Давлат университетида бўлдилар. Делегация Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида қабул қилинди.

БОСМАХОНА ЮБИЛЕЙИ

Узбекистонда бундан 25 йил муқаддам кўр болалар учун ўзбек тилида биринчи марта алифбе брайлча ёзувда тайёрланган ва юз нусхада нашр этилган эди. Ана шу ишни амалга ошириш учун беш ой вақт сарфланди.

Бу китоб 1949 йил Тошкентда ташкил қилинган Ўзбекистон кўрлар жамияти босмахонасида босиб чиқарилди. Уйма ҳарфли китобларнинг уч номдагиси 300 нусхада тайёрланган эди.

Утган чорак аср давомида босмахона йирик полиграфия корхонасига айланди. Бу ерда ўтган йили 50 номда 56 минг нусха китоб тайёрланди.

Кеча

РЕСПУБЛИКА КЎРЛАР ЖАМИЯТИГА ҚАРАШЛИ АНА ШУ БОСМАХОНА ТАШКИЛ қилинганлигининг 25 йиллиги муносабати билан тантанали йиғилиш ўтказилди. Унда коллектив чорак аср давомида 800 номда сиёсий ва бадиий адабиётлар, ўқув дарсликларини 800 минг нусхада нашр этганлиги таъкидлаб ўтилди. Бундан ташқари, ожизлар учун магнит плёнкасига ёзиб олинган 150 номдаги асар ўқувчиларга тарқатилди. Тантанали йиғилишда корхона ветеранлари шаънига самимий сўзлар айтилди.

Дипломлар топширилди

Сиёсий маориф ўйида халқаро темаларда ўзбек тилида лекция ўқувчи бўлажак лекторлар учун олиб борилган икки йиллик семинар машғулотлари ниҳоясига етди. Яқинда махсус курсни битириб чиққан 30 тингловчига дипломлар топширилди. Улар асосан мактаб директорлари, илмий бўлим мудирлари ва бошқа ўқув юртларининг тажрибали педагогларидир.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ БОШЛАНДИ

Шу кунларда Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти бўлажак студентлар билан гавжум. Олий ўқув юртининг кечки ва сиртқи бўлими бўйича кириш имтиҳонлари бошлаб юборилди. Шу муносабат билан, институт кечки ва сиртқи бўлими проректори Анвара Алиева мухбиримизга қуйидагиларни маълум қилди.

— Аввало, шу нарсани айтиб ўтиш керакки, институтимизнинг номи биргина республикамизда эмас, балки қардош республикаларда ҳам яхши танилган. Ҳужжатларини топширган ёшлар орасида Ўзбекистон ўғил ва қизларидан ташқари Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон, Озарбайжон ва бошқа республикалардан келган абитуриентлар ҳам бор. Ҳаммаси бўлиб 2393 кишининг ҳужжатлари қабул қилиб олинди. Уларнинг қарийб 60 проценти педагогика соҳасида меҳнат қилаётган кишилардир. Биз, ўқитувчилар ана шунча абитуриентдан минг кишини қабул қилиб олишимиз лозим.

Институтга қабул қилинганлар саккиз мутахассислик бўйича билим оладилар. Улар тарих, ўзбек тили ва адабиёти, география, биология, математика; мактабгача ёшдаги таълим бўйича шуғулланадилар.

Шу кунларда кириш имтиҳонлари қизғин ва уюшқоқлик билан ўтказилмоқда. Қабул қилинганлар 25 июндан бошлаб дастлабки лекцияларни тинглайдилар. Имтиҳонларга тайёргарлик кўриш ва уларни муваффақиятли ўтказишда институтнинг бир қатор ўқитувчилари актив қатнашмоқдалар. Улар орасида А. Саъдиев, Р. Абдулаҳатова, Н. Қодирова, О. Муминов, Л. Янченко, В. Спижевский ва бошқалар бор.

ВЕТЕРАНЛАР ҲИКОЯСИ

Шу кунларда саккиз йиллик ва ўрта мактаб ўқувчилари давлат имтиҳонларини тугатиш арафасидалар. Улар орасида бу йил ҳунар-техника билим юртларида таълим олиш истагини билдирганлар жуда кўп. Кўплаб билим юртларида битирувчилар ва ударнинг ота-оналари билан қизиқарли учрашувлардар ўтказилмоқда.

Бугун

«Қизил тонг» тикувчилик фирмасидаги 127-ҳунар-техника билим юрти филиалига кириб ўқиш истагини билдирган ёшлар ва уларнинг ота-оналари тўпланишди. Билим юрти директори М. Юнусов бўлғуси тикувчиларга билим юртини битирганлар учун диплом топширилиши ва янги техникадан фойдаланиш йўллари ҳақида ҳикоя қилиб берди. Шундан сўнг, фирманинг ветеран ишчилари, илғор тикувчилар сўзга чиқиб, илғор тажрибалари ва тикувчилик касбидан гоятда мамнун эканликлари ҳақида сўзладилар.

«Юлдуз» ва «Қизил тонг» тикувчилик фирмаларида мазкур ҳунар билим юртини битирганлар кўп.

Бу йил 127 тикувчилик билим юртини 151 ёш тугатиб, тикувчилик корхоналарига ишга келишди. Янги ўқув йилида билим юртига 450 йигит-қиз қабул қилинади. Бунинг учун билим юртида пухта тайёргарлик кўрилди. Айни кунларда бу ерда ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Машҳур чех композитори Бедржих Сметани (1824—1884) туғилган кунининг 150 йиллиги муносабати билан Чехословакияда эсдалик бронза медали чиқарилди. Унинг муаллифи — ўймакор рассом Милан Кноблох (суратда).

ЧТК—ТАСС фотоси.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

▲ БУДАПЕШТ. Шу йил венгриялик киноқорлар Будапештнинг марказий қисмини реконструкция қилиш программасини амалга ошира бошлайдилар. Савдо-сотиқ муассасалари 16 минг квадрат метр кенгайтирилади, меъморий ёдгорликлар реставрация қилинади, майдонлар ва биноларни ёритиш системаси янгиланади, баъзи кўчалар кенгайтирилади, ер ости йўлаклари қурилади.

Венгрия пойтахтининг марказини реконструкция қилишга 700 миллион форинтга яқин пул сарфланади ва бу ишни 1985 йилда битказиш мўлжалланади.

▲ УЛАН-БАТОР. Бу ерда жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат Революцион ҳукумати ташкил этилганлигининг 5 йиллигига бағишланган фото виставка очилди. Виставка стендларига Миллий озодлик фронти ва Муваққат Революцион ҳукумат раҳбарлигида ҳарбий, сиёсий фронтларда ва дипломатия курашида Жанубий Вьетнам ватанпарварлари эришган катта муваффақиятлар тўғрисида, халқ маорифи, соғлиқни сақлаш, маданиятни ривожлантиришдаги тараққиёт ҳақида ҳикоя қилувчи 200 дан ортиқ фотосурат қўйилган.

▲ ХАНОЙ. Жанубий Вьетнам озодлиги халқ қуролли кучлари шу йилнинг 15 майдан 25 майга қадар Чунгбонинг марказий қисмида Сайгон қўшинларининг ҳужумларини қайтариб, душманнинг 4200 дан ортиқ солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, Сайгон қўшинларининг мустаҳкамланган 150 пунктини тамомила яксон қилдилар. Вьетнам Демократик Республикасида чиқадиган «Куан дой ян зан» газетасининг хабар беришича, ватанпарварлар ҳужум ҳаракатлари давомида илгари Сайгон қўшинлари томонидан босиб олинган 10 жамоани озод қилганлар.

▲ ПХЕНЬЯН. Чжончжин кемасозлик корхонаси Корея Халқ Демократик Республикасида энг катта кемасозлик базаларидан бири ҳисобланади. Бу корхонада балиқ овлайдиган кемалар, замонавий пассажир ва транспорт кемалари, рефрижераторлар ишлаб чиқарилмоқда.

Корея кемасозлиги марказининг ишлаб чиқариш қуввати сўнгги 10 йил ичида 7 баравар ортди, корхонанинг моддий-техника базаси бениҳоя даражада мустаҳкамланди, ишчилар, инженер-техник кадрларнинг малакаси ошди.

УЛКАН ЗАФАРЛАР, КАТТА МАРРАЛАР

(Боши 1-бетда).

САВОЛ: — Ҳозир енгил саноатимизда маҳсулот сифатини яхшилаш асосий масала ҳисобланади. Корхоналарда бу борада қандай ишлар қилинаяпти.

ЖАВОБ: — Тўқиз йиллик маҳсулот сифатини оширишнинг йўлида кураш йиллари бўлиб қолмоқда. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети маҳсулот сифатини яхшилаш, тўрларини кўпайтириш, енгил саноат корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқаришни планлаштириш ва савдо-тармоқлари билан алоқани такомиллаштириш йўлида қатор қарорлар қабул қилди. Бу ҳужжатлар партия ва ҳукуматимиз енгил саноатни янада тараққий эттириш, аҳолининг моддий ва маданий турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган ғамхўрлигининг яна бир янги ифодасидир. Социалистик ишлаб чиқаришни юксак суръатлар билан тараққий эттириш, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш КПСС XXIV съезди қарорларида кўрсатилган муҳим вазифалардан биридир. Ана шу вазифаларни бажариш, меҳнаткашларга чиройли ва чидамли хилма-хил маҳсулотлар етказиб бериш ҳозирги кунда тикувчи, тўқувчи, йигирувчи, пойафзалчи ва кўп минг кишилик енгил саноатчи инженер-техник ходимларнинг диққат марказида бўлиб қолди. Улар ишлаб чиқариш жараёнларини такомиллаштириш, қўл меҳнати билан бажариладиган операцияларни механизациялаш, прогрессив технологияни жорий қилиш каби жуда кўп ташкилий-техникавий тадбирларни амалга оширмоқдалар, меҳнатда, тежамкорликда катта ютуқларга эришмоқдалар. «Кам сарф билан кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқарамиз». «Ҳар бир метр газлама сифатли тўқилсин», «Ҳар бир ускуна юқори унум билан ишласин» деган шиорлар ҳар бир ишчининг қундалик иши мазмунини ташкил қилмоқда.

Шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида тайёрланган кийим-кечаклар трикотаж ва пойафзал маҳсулотининг 66 моделига Давлат Сифат белгиси берилди. Министрлигимизга қарашли 18 та тикувчилик корхонасининг ўн битта-си ҳозир Давлат Сифат белгиси билан маҳсулот ишлаб чиқармоқда. «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси, Тошкентдаги учинчи ва иккинчи тикувчилик фабрикалари, Тошкентдаги чинни заводининг коллективлари сифатли маҳсулот тайёрлашда пешқадамлик қилмоқдалар. Ҳозир маҳсулотимизнинг 150 га яқин тури Давлат Сифат белгиси билан харидорларга етказиб берилмоқда.

САВОЛ: — Енгил саноат маҳсулотлари ҳозир қайси жойларга экспорт қилинмоқда?

ЖАВОБ: — Бугунги кунда енгил саноатимиз ишлаб чиқараётган маҳсулотлар Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларига, Узоқ Шарққа, Урал, Сибирь ва чет элларга жўнатилмоқда. Тошкент тўқимачилик комбинатининг ранг-баранг газламалари Осиё ва Африка мамлакатларига, чинни идишларимиз эса Франция, Ҳиндистон, Туркия, Италия, Ливан каби мамлакатларга экспорт қилинмоқда. Тошкент Модалар уйида тикилган кийим-кечаклар чет элларда ташкил қилинган ярмаркаларда шуҳрат қозонмоқда.

САВОЛ: — Яқинда КПСС Марказий Комитети Белоруссия, Литва, Молдавиядаги, Иваново, Ленинград ва Ростов областларидаги енгил саноат ходимларининг ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш йўли билан халқ истеъмол молларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш тўғрисидаги ташаббусини маъқуллади. Республикамиз енгил саноатчилари ўз касбдошларининг бу даъватига қандай амалий жавоб бермоқдалар.

ЖАВОБ: — КПСС Марказий Комитети маъқуллаган ана шу қимматли ташаббусни Ўзбекистон енгил индустриясининг юз минг кишилик отряди қизғин қўллаб қувватлади. Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикаси, 2-тикув фабрикаси, чинни заводи ҳамда Наманган шойи ва костюмбоп газламалар комбинатининг коллективлари ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш бўйича янги социалистик мажбурият қабул қилдилар. Жумладан, 1-пойафзал фабрикасининг коллективи қувватларни пландагидан уч ой илгари ўзлаштирамиз деб мақтанмоқда.

Тошкентдаги 2-тикув фабрикаси қувватлардан фойдаланишни 1973 йилдаги 68 процентдан 1974 йилда 90 процентга етказиш бўйича социалистик мажбурият олди. Шу йўл билан корхона коллективи йил давомида пландан ташқари 3 минг дона ёки 250 минг сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқаради.

Министрлигимизнинг кенгайтирилган коллегияси агар тармоқлардаги ишлаб турган корхоналарнинг ўртача йиллик қуввати атиги 1 процент оширилса, қўшимча равишда 260 минг жуфт чарм пойафзал, 400 минг сўмлик кийим-кечак, 434 мингта чинни идиш, 636 минг квадрат метр шойи газлама ва бошқа кўпгина маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкинлигини таъкидлади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон енгил индустрияси меҳнатчилари 113 минг кишилик отрядининг социалистик мажбуриятига «35000000» рақами ёзилди. Бу демак, беш йилликнинг тўртинчи белгиловчи йилида топшириққа қўшимча равишда шунча сўмлик халқ истеъмол моллари тайёрлаб беришга қарор қилинди.

САВОЛ: — Енгил саноат корхоналарида социалистик мусобақа қандай йўлга қўйилган?

ЖАВОБ: — Тўқиз йиллик республикамизнинг енгил саноат корхоналарида ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 1,5 баравар ортади, юбилей йилининг ўзидагина маҳсулот ишлаб чиқариш ўн процентдан кўп ортади. Пойафзалларнинг 350 та, трикотаж буюмларнинг 167 та янги модели, газламаларнинг 500 га яқин янги гул нусҳалари ишлаб чиқаришга жорий қилинади. 20 хилдаги янги маҳсулот Давлат аттестацион комиссияси Сифат белгиси учун тақдим қилинади. Бу осон вазифа эмас, албатта. Бу вазифани муваффақиятли ҳал этиш минглаб ишчилар, инженер-техник ходимларнинг ташаббус кўрсатишини, катта ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишни тақазо этади.

Худди шу боисдан ҳам йил бошидан енгил саноат корхоналарида беш йиллик топшириқни ошириб бажариш бўйича ўзаро социалистик мусобақа авж олаяпти.

Республикамизнинг кўпгина енгил саноат корхоналари коллективлари иттифоқдош республикалардаги ўхшаш корхоналар билан ҳам мусобақалашяптилар. Жумладан, Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи Иваново-даги тўқимачилик комбинати коллективи билан, «Юлдуз» фирмаси 3-тикув заводи коллективи билан, «Ўзбекистон» сунъий ва табиий қўн ишлаб чиқариш бирлашмаси эса, Ивановодаги сунъий пошналар комбинати коллективи билан, 2-тикувчилик фабрикаси эса, Фрунзедаги тикувчилик фабрикаси билан социалистик мусобақа бўйича шартнома тузганлар. Бу мусобақалар биринчидан, халқлар ўртасидаги қардошлик дўстлигини мустаҳкамлаяпти, иккинчидан, илғор тажрибаларнинг оммалашишига, оз маблағ сарфлаб, кўплаб сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ёрдам бераяпти. Мусобақадош корхоналарнинг вакиллари тез-тез бир-бирларининг ҳузурига бориб, мусобақа натижаларини текширишмоқда, ютуқ ва камчиликларини рўй-рост айтишмоқда.

Шу йил бошида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш бўйича тўқиз-лар ташаббусини маъқуллади. Бу тўқиз ташаббускор орасида республикамиз енгил саноати машъалларидан Дилора Тошпўлатова, Вера Солдатова, Санобар Мўйдинова, Саид Раҳимовлар ҳам бор.

Корхоналаримизда тўқиз-лар ташаббусининг издошлари тобора кўпаймоқда. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ўзаро мусобақа асосида ишлаб, бугун кечагидан, эртага бугунгидан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга ҳаракат қилмоқдалар.

Тошкент тўқимачилик комбинатининг зарбдор ишчилари Лидия Казанцева билан Вера Солдатова мамлакатда биринчи бўлиб 48 та дастгоҳни бошқаришга ўтди. Бу икки тўқувчи беш йиллик бошлангандан бери планга қўшимча 1 миллион метрдан ошиқ газлама тайёрлаб беришди. Ана шу маҳсулотнинг ҳаммаси биринчи навга қабул қилинди. Бу пешқадам ишчилар ўзларининг шахсий беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариб қўйиб, ҳозир 1978 йил ҳисобига меҳнат қилмоқдалар.

Республикамиз енгил индустрияси корхоналарининг кўпминг кишилик коллективлари меҳнаткашларни кенг истеъмол моллари билан етарли таъминлаш ва уларни чиройли кийинтириш учун олган социалистик мажбуриятларини тўла бажариб, республикамиз ва Ўзбекистон Коммунистик партиясининг олтин тўйини ёруғ юз билан кутиб олиш йўлида бор имкониятларни ишга солиб, фидокорлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қиладилар.

Беш йилликнинг тўртинчи, белгиловчи йили — республикамизнинг олтин тўйи йили енгил саноатчиларимиз учун ҳам юксак зафарлар йили бўлиб қолишига ишончимиз комил.

Суҳбатни жамоатчи мухбиримиз А. ИМИНОВА олиб борди.

Шаҳримизнинг Ленин районидаги 1|58-сайлов участкасида мамлакатимиз олий органи — СССР Олий Советига бўладиган сайловлар юзасидан катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда бу ерда сайлов учун барча нарса тахт қилиб қўйилди. Агитаторлар коллективи сайловчилар рўйхатларидаги энг сўнгги ўзгаришлар устида ишламоқдалар.

СУРАТДА: агитаторлар Елена Кушнарёва ва Сирожиддин Исломовлар сайловчилар рўйхатларини қайта текширишдан ўтказмоқдалар.

М. Нуриддинов фотоси.

Халқ номзодлари

СОРОКИНАНИНГ ИБРАТЛИ ИШИ

Ҳовли тўйи бошланишига саноқли кунлар қолган эди. Аммо Энергетика министрлиги янги корпуси иккита залида поллар пластинкали плиткалар билан қоплангани йўқ. Энг яхши пардозловчилар звеносини участка бошлиги ана шу жадал ишга қўйди. Анатолий Картушин ишга бош бўлди. Унинг ихтиёрига яна икки ишчи: Александр Плужнов билан Надежда Сорокина ҳам берилди.

Участка бошлиги учовлон бу топшириқни тез бажаришларни, иш сифати эса, имкони боридан ҳам яхшироқ бўлишини билади. Чунки Картушин бошқа пардозловчилар учун намуна қилиб кўрсатилади. Плужнов эса унинг муносиб ёрдамчиси, Надя тўғрисида бўлса алоҳида гапириб ўтиш керак.

Надя жуда катта рекордлар қўйгани йўқ. Аммо унинг ишида муҳим бир нарса бор. Ўзининг ишчилик жаҳмиди ҳолининг тўрт йили мобайнида Надежда Сорокина жуда соз меҳнат қилади. Ҳалол ишлайди деган мақтовга сазовор бўлди. Ишни Сорокина қилибдими, демак жуда соз бўлибди деяверинг.

26 яшар жувон уддалаган иш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди. Қишлоқлик қиз мактабни тамом қилгандан кейин Тошкентга келди. Қурилиш техникумида ўқиди. Техник-бинокор деган диплом билан пардозчилар бошқармасига келди. Уни мастер қилиб тайинлашди. Лекин Надя ана шу лавозимда қисқа вақт ишлаганидан кейин бошқарма ҳузурига келиб, деди:

— Мен ишчи бўлмоқчиман. Пардозловчиларга шогирд тушаман.

— Чиндан ҳам шундай аҳд қилдингми?

— Ҳа.

У Анатолий Картушининг шогирди бўлиб ишлай бошлади, кейин ишчи разрядларидан ўтди. У пардозловчилик касби кўнглига истаган ҳунар эканлигини билди.

Тошкентнинг марказини ўзгартириб юборган тўрт йил ўтиб кетди. Уй-жой кварталлари, осмонўпар бинолар, янги майдонларда саройлар қад кўтарди. Истаган бинога кирсангиз унинг қўли билан безатилганлигини кўрасиз. Бу қўллар мозаикага қодир, кафель ва метлах плиткалари, линолеум, полихлорвиниль синги-ри ҳар қандай материаллар билан — Тошкент бинокорлари ишлатган барча материаллар билан иш кўра олади. Комсомол аъзоси Сорокинанинг ишидан ёшлар ҳам, етук ишчилар ҳам намуна олиши керак деб айтишади. Надя мусобақада етук ишчилардан ҳам ўзиб кетмоқда.

Уларнинг звеноси шаҳсий беш йилликни шу йил кўз фаслида, республика ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллик юбилейи кунигача бажариш мажбуриятини олган. Дастлаб у ўз звеносини, кейин эса пардозловчиларнинг бошқа звеноларини мусобақага қўшилишга даъват этди. Ахир бошқарма комсомолларни унга агитаторликни бекорга топширишгани йўқ. Картушин звеноси бугунги кунда беш йиллик бошидан буён бажарилган ишларнинг ҳажми жиҳатидан ҳозироқ 1975 йилнинг май ойида турибди. Улар ишга ҳалол муносабатда бўлдилар, иш вақтидан тежаб-тергаб астойдил фойдаланилса, ҳар куни нормада кўзда тутилганидан 20—25 процент ортиқ иш қилиш мумкинлигини исботлаб кўрсатдилар. Ҳозир Сергей Русяев бошлиқ звено ҳамда пардозловчиларнинг бошқа коллективлари ҳам меҳнат унумдорлиги жиҳатидан ана шу маррага чиқиб олдилар. Александр Зинкин звеноси мусобақада айниқса астойдил ҳаракат қилмоқда. Лекин биз ундан ўзиб кетамиз. Ҳозир бу звено сифатсиз ишини қайтадан бажаради. Биз эса бундай қилишнинг йўл қўймаймиз...»

«Отделстрой» трестининг 28-бошқармасида Надежда Сорокинага бамисоли ўзларининг қизларига қарагандек талабчанлик, ҳурмат, эҳтиром билан қараш-ади. Унинг гоят ҳалоллиги, камтарлиги, жуда соз ишлашга қодирлиги ҳамда оммани ўзи билан бирга ишга отлантира олиши учун Надяга ҳурмат-эҳтиром кўрсатилди: Н. А. Сорокинани бинокорлар ЁССР Олий Совети депутатлигига ўзларининг номзодлари қилиб кўрсатдилар. Надянинг ишчилик тарихи бошланиб келаётган даврда унинг ёнида турган кишилардан бири, партия ташкилотининг секретари Николай Ширяев унинг фазилатлари ҳақида бундай деди:

— Унда энг яхши бинокорларимиз нинг — маҳоратни ўргатган кишиларнинг энг яхши фазилатлари мужассамлашди. У коллективнинг кўз ўнгида камол топди. Ҳар биримиз Надя бу юксак ишончни ҳамиша оқлашига ишонамиз.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.

• Муҳим сана олдидан

Ёшлар клубида

Ленсовет номли маданият саройи ҳузуридаги ёшлар клуби Петроград томони сайловчиларининг район клуби билан биргаликда шу кунларда йигит-қизлар учун ҳақиқий сиёсий мактаб бўлди. Бу ерда олиб борилаётган машғулотларнинг формаси турличадир. Ёшлар клубида сайловга бағишланган лекциялар, суҳбатлар ўтказилмоқда, кинофильмлар кўрсатилмоқда.

Ёшлар клубининг июнь ойидаги программаси жуда кенг. Клуб ўз ишини Приморье районидаги Ғалаба боғининг очиқ майдонига кўчирди. Бу ерда адабий ва музикали кечалар ўтказилади, социализм мамлакатларининг иқтисодий интеграцияси проблемаларига бағишланган, Ленинградда уй-жой қурилиши тўғрисида лекциялар ўқилади.

(ТАСС мухбири).
Ленинград.

ЯРАШГАНИ СИЗНИКИ

Байрам арафасида бир йиллик қилган ишларингга янун ясагинг келади. Биз ишлаб чиқараётган, мўйнадан тайёрланган, аёлларнинг пальтоларига бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Шунинг учун ҳам, ҳар бир меҳнат дақиқасидан самарали фойдаланиш билан юксак меҳнат унумдорлигига эришяпмиз. Утган беш ой давомида шаҳримиз савдо тармоқларига ҳудди шундай пальтолардан 2300 дан зиёд етказиб бердик. Бу эса кўзда тутилганидан анча кўпдир. Шунингдек, аёлларнинг қоракўлдан тикилган пальтоларидан 1600 та ишлаб чиқарилди. Коллективимиз аъзолари тушаётган буюртмаларни ўз вақтида бажариш мақсадида қизғин меҳнат беллашувини давом эттирмоқда. Меҳнат беллашувида бичув цехининг коллективи ғолиблик қилмоқда. Цехда икки киши 1977 йил ҳисобига меҳнат қилаяпмиз. Ҳамкасбим Валентина Ларионова иккимизни бундай ютуқларга эришишимиз қувончли, албатта. Юбилей йилида ўнта ёш ишчига ўз тажрибамни ўргатиш мажбуриятини олганман. Шогирдларим Ҳасан Салимов, Анвар Солиҳов аъло сифатга маҳсулот беришда ном чиқаришган.

Утган беш ой давомида пландагига қўшимча 191 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Биз ишлаб чиқараётган истеъмол буюмларини кишилар севиб харид қилишини яхши биламиз. Бу эса, маҳсулот сифатини мунтазам ошириб боришга даъват этмоқда. Эркаклар, аёлларнинг ва болаларнинг мўйнадан тикилган пальтоларини бу йил кўплаб ишлаб чиқарамиз.

Ш. ЗОҲИДОВ,
кўн-мўйна заводининг бичувчиси.

ЯХШИ СУРЪАТ

Коллективимиз аъзолари ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг тури кундан-кунга кўпайиб, уларнинг сифати яхшиланиб бормоқда. Айниқса, хотин-қизларнинг рўмоллари ва турли рангда товланувчи ленталарга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. Бу йил биз савдо тармоқларига кўплаб истеъмол буюмлари етказиб беришимиз керак. Шунинг учун ҳам, барча меҳнат участкаларида ўзаро меҳнат беллашувини авж олдириб юбордик. Биз, тўқувчилар юбилей йилида зиммамизга оширилган мажбурият олганмиз. Ҳамкасбларим орасида беш йилликни муддатидан илгари бажариш ташаббуси қизғин тус олган. Корхонамизда 56 киши беш йиллик шахсий топшириқларини бажариб, 1976 йил ҳисобига маҳсулот бераяпти. Улар қаторида моҳир тўқувчилар Елена Филатова, Анастасия Шефелина, Любовь Чикова каби меҳнат илғорлари бор. Зичлаштирилган график усули тўқувчиларга вақтдан ўзиб ишлаш имконини бермоқда. Корхонамиз партия ва касаба союз ташкилоти меҳнат илғорларини ўз вақтида рағбатлантириб бораётгани учун ҳам сафимизда илғорликка интилаётганлар сафи тобора ортиб бораяпти.

Мана, беш йиллик планни бажарганимга ҳам бир йил тўлиб қолди. Шу даврда мобайнида пландан ташқари ишлаб чиқарган ленталарим миллион метрдан ошиб кетди. Мен бундай ютуқларга иш соатларидан унумли фойдаланиш ва дастгоҳларга хизмат қилиш муддатини қисқартириш ҳисобига эришмоқдаман.

Корхонамиз коллективи анъанавий байрамлари бўлган Енгил саноат ходимлари кунига ажойиб меҳнат ютуқлари билан келди. Утган беш ойлик план топшириқларини муваффақиятли адо этдик. Бу даврда ўнга яқин янги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

М. РАСУЛОВА,
«Учқун» тўқимачилик галантерея фирмасининг тўқувчиси.

Тошкентдаги «Юлдуз» фирмасининг чеварлари Бутуниттифоқ енгил саноат ходимлари кунини меҳнат сохасида катта муваффақиятлар билан нишонламоқдалар. Яқиндагина корхона коллективи биринчи иварталь якунлари бўйича Киров район партия комитетининг кўчма Қизил Байроғи ҳамда пул мукофотини олишга сазовор бўлганди. Мана бу фотолавҳаларда фирманинг бир группа моҳир чеварлари акс этганлар. Улар мунтазам равишда ўз топшириқларини ортиғи билан бажариб аъло сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадилар (юқорида чапдан ўнгга) ёш чеварлар Ж. Клюси, С. Раҳимова, М. Ғозиҳонова ва Н. Ҳожохова; (пастда) шу 2-цехнинг ишчан контролерларидан М. Каримжонова ва А. Зекеряевалар тайёр эркаклар костюмларини жўнатиш олдидан саралаш пайтида.

М. Нуриддинов фотолари.

• Социализм мамлакатларида

Жаҳон ойнаси

Агентларга макон

ЛУСАКА. Қилган қонли жиноятлари учун қасос олинишидан чўчиб қўшни Мозамбикдан қочаётган собиқ Португалия охранкасининг агентлари учун ҳозир ирқчилар Родезияси бошпана бўлиб турибди. Солсбериданолинган хабарларга кўра, махсус жазо командаларининг ташкилотчиси, Мозамбик ватанпараварларига нисбатан вахшийликлари билан донг таратган Кардосо бошчилигида собиқ агентлар янги бир группаси Родезия территориясига ўтган.

Илгари Смит режими Мозамбик сиёсий полициясининг собиқ бош инспектори Сабину билан район полиция комиссари Фалкауни паноҳига олганди.

ОДАМФУРУШЛАР

ИСЛОМОБОД. Кейинги вақтларда Покистонда ишчи кучини ёллаш билан шуғулланувчи кўпдан-кўп ҳусусий агентликлар пайдо бўлди. Улар шу ишчиларни кейинчалик чет элларга жўнатиб турадилар.

Покистонликларни чет элларда ишга жойлаштиришда расмий воситачи вазифаси давлат эмиграцияси бюроси зиммасига юкланган бўлсада, аммо ўз мамлакатида иш тополмай юрган мингминглаб кишилар хусусий агентликларда сохта шартномаларни имзолаб, кўпинча ҳужжатсиз ва бирон маблағсиз ҳолда чет элларга ўтиб қолмоқдалар. Ишчи кучини яширинча мамлакатдан олиб чиқиб кетиш хавф туғдирувчи ҳолатга етди. Покистон ҳукумати шу ҳусусда махсус қабул қилган баёнотида одамфурушларни уларнинг қонунга хилоф фаолиятига мутлақо йўл қўйилмайди, деб огоҳлантирди.

ҚИММАТЛИ ТОПИЛДИҚ

ҚОҲИРА. Яқинда археологлар Ал-файюмдан сал нарида (Шимолий Миср) ўрта подшоҳликка мансуб фиръавнинг шикастланмаган мўмиёсини топдилар. Қазишмалар тарихида биринчи марта шундай мўмиё топилди.

15 метр чуқурликдаги қабрда узунлиги 3 метр, бўйи 1,35 метр ва вазни 40 тоннага борадиган тош тобут топилди. Унинг ичидаги чоғроқ ёғоч тобутда қадимги фиръавннинг тилла пластинкалар билан қопланган мўмиёси ётарди. Мўмиё зангори ва қизил мунчоқлар тикилган, юракнинг тиллойи тасвири туширилган кийим-кечакда ётибди.

Археологларнинг фикрича, бу ноёб топилдиқнинг катта тарихий аҳамияти бор.

Табиатни муҳофаза қилиш ойлиги

СОФИЯ. Болгарияда май ойи аввалги йиллардаги сингари табиатни муҳофаза қилиш ойлиги деб эълон қилинган эди. Бутун мамлакатда ёппасига кўчат экилди. Олимлар, мутахассислар муҳитни муҳофаза қилишга бағишланган лекциялар ўқидилар.

Бу йил мамлакатда янги экилган кўчатзорларнинг майдони 13 миллион декарга етади (бир декар 1.000 квадрат метрга тенг).

Олтинчи беш йилликда тозалаш иншоотлари қуришга 300 миллион лёв ажратилган. Ҳозиргача 62 та йирик корхонада сув тозалайдиган иншоот, 29 корхонада эса фильтр ишга тушди. Булар ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижалар берди. Масалан, йирик саноат маркази Перник шаҳри ҳавосининг ифлосланиши ўн баравар камайди.

Табиатни муҳофаза қилиш жуда катта аҳамиятга молик вазифа. Болгария шу соҳада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашининг турли ташкилотлари билан актив ҳамкорлик қилмоқда.

Самарали ҳамкорлик

Куба миллий экономикасининг асосий соҳаларидан бири бўлмиш кон-руда саноатини ривожлантириш республиканинг Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар билан самарали ҳамкорлик қилаётганлигини кўрсатувчи ёрқин намунадир.

Ана шу ҳамкорлик доирасида Орьенте вилоятидаги Рене Рамос Латур номидаги никель рудаларини қайта ишлайдиган заводда контроль-ўлчов асбоблари монтаж қилинмоқда ва созланмоқда.

Айни вақтда Пунта-Горди посёлкасида мамлакатда учинчи, йирик металлургия корхонаси қурилиши учун тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Бу корхона бир йилда 30 минг тонна никель ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Кубада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар ёрдамида яна бир қанча заводлар қуриш мўлжалланмоқда. Бу эса республиканинг жаҳонда энг кўп никель ишлаб чиқарувчи мамлакатлардан бири бўлиб қолишига имкон беради.

Икки мамлакат алоқалари

ТЕҲРОН. Бангладеш билан Эрон бир қанча соҳаларда иқтисодий алоқаларни кенгайтириш ва ҳамкорликни йўлга қўйиш учун қулай имкониятларга эга, деди Эронга визит билан келган Бангладеш ташқи ишлар министри Камол Ҳусайн матбуот конференциясида сўзга чиқиб. У нефть, қоғоз ишлаб чиқариш ва бошқалар худди шундай ҳамкорлик соҳалари бўла олади, деб уқтириб ўтди.

Томонлар, деди К. Ҳусайн, ҳозирги вақтда Эрон томонидан Бангладешда нефть тозалаш заводи қуриш имкониятлари масаласини муҳокама қилмоқдалар. Бангладешнинг нефтга ва нефть маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини шу завод ёрдамида қисман таъминлаш мумкин бўлади.

МАЛАКА ОШИРИЛМОҚДА

ГАВАНА. Шу йил кубалик бинокорлардан 100 минга яқин киши махсус курсларда ва қурилиш мактабларида ўз малакасини оширади. Мамлакатдаги икки катта қурилиш ташкилоти — жамоат ва қишлоқ хўжалик қурилиши бошқармаси билан қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бошқармаси ишчилари шуларнинг кўпчилик қисмини ташкил қилади.

Республиканинг ҳамма вилоятларида жойлайган малака ошириш курслари ва марказлари Кубада малакали қурувчи кадрлар тайёрлаш ишида жуда катта роль ўйнаяпти.

Қобулда виставка

Қобулда «Совет Иттифоқи ва унинг кишилари» номли фотовиставка очилди.

Афғонистонда информация ва маданият министри А. Р. Невин виставканинг очилиш маросимида сўзга чиқиб, совет фотографияси усталарининг шу виставкада кўрсатилаётган асарлари «кўп миллатли совет давлатининг эришган катта муваффақиятлари тўғрисида ҳаққоний ва жуда ишонтирарли тарзда ҳикоя қилади, деб айтди.

Афғон халқи деб таъкидлади министр, ўзининг шимолдаги буюк қўшниси — Совет Иттифоқининг эришган муваффақиятлари билан фахрланади.

А. Р. Невин Совет—Афғон дўстона мунасабатлари ва улар ўртасидаги ҳамкорлик ҳар иккала мамлакат халқлари манфаатларини кўзлаб яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқлилик, бир-бирини ҳурмат қилиш йўлида ўзаро ишонч принципларига асосида муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнун эканлигини билдирди.

Виставканинг очилиш маросимида қатнашган бош министр ўринбосари М. Х. Шарқ фахрий меҳмонлар дафтарига шундай деб ёзди: «Виставка гоят катта таассурот қолдиради. У, дўстимиз Совет Иттифоқининг улуғ зафарларини тараннум этади. Яшасин Афғонистон билан СССР ўртасидаги дўстлик!»

Виставканинг биринчи томошабинлари унга қўйилган экспонатларни мароқ билан томоша қилдилар.

(ТАСС).

Ўз-ўз ўрганиб доно бўлур...

ДОНО ВА СУХАНДОНЛИК БИЛАН УЛУҒЛАРНИНГ ҚОШИДА ИЗЗАТ ВА ҲУРМАТ ТОПМОҚ БАЁНИДА

Машҳур Хоразм шоири Фирузий ўз набирасига қилган насиҳатини давом этдириб айтади:

БАЙТ:

Ки ҳар ким бўлса доною сухандон,
Бўлур ҳар ерга борса шоду хандон.

Эй фарзанд, сухандонлик, яъни гапга чечанлик мароғуб ва мақбул хислатдир. Зиҳ, сухангўй, яъни чиройли, очиқ ва мазмундор сўзлашга ўрган. Елғон сўзлашга ўрганма, ўзингни ростгўй номи билан машҳур қил.

Ақлли доно одам бир масала ҳақида сўзламоқчи бўлса, у масаланинг моҳиятидан яхши хабардор бўлиб, нима демоқчи эканини ўйлаб, очиқ ва мазмундор сўзлайди. Ноҳил одам эса тушунмайди, нима демоқчи эканини англата олмайди.

ФАРЗАНДНИ ТАРБИЯ ҚИЛИБ КАМОЛГА ЕТКАЗИШ БАЁНИДА

Эй, фарзанд, агар сен фарзанд кўрсанг, фарзандингга яхши ва гўзал от қўй, яхши от қўйиш — фарзандининг отадаги ҳақларидан биридир. Ўғил фарзандинг бироз улғайгандан кейин куч-қудратингга қараб тўй-томошалар қил. Куч-қудратингга қарамай катта тўй қилишдан сақлан, ҳолу қудрат тўй қил, тўйга бору йўғини сарф этиб, муҳтожликка тушиб қолиш, қарзга ботиш — ақлли кишиларнинг иши эмас. Фарзандинг каттароқ бўлгандан кейин, ўзининг рағбатига қараб, унга ҳунар ўргат.

Қобусшоҳнинг набираси Кайковус ўз ўғлига насиҳат қилиб, бошидан ўтган бир воқеани шундай ҳикоя қилади:

— Менинг Манзар ҳожиб номли бир мураббим ва Райҳон отли хизматчим бор эди. Манзар ҳожиб отга миниб машқ қилиш ҳунарини жуда яхши биларди. Ўн яшар бўлганимда отам от устида машқ қилиш, найза ўриш, зубин отиш, чавкон ўриш, каманд ташлаш каби ҳунарларни ўргатиш учун мени уларнинг қўлларига топширди. Мен тез фурсатда бу ҳунарларни яхши ўрганиб олдим, ундан кейин Манзар ҳожиб ва Райҳон мени отамнинг ёнига олиб бориб:

— Ўғлингиз ҳарбий ҳунарларни яхши ўрганди, синаб кўрингиз, — дедилар.

Отам қабул қилди. Мен эртаси кун отам ёнига бориб ҳамма ҳунарларимни кўрсатдим. Отам ҳурсанд бўлиб, ҳунар ўргатган устодларимга мукофотлар бериб, уларни ҳурсанд қилди. Кейин уларга:

— Раҳмат, ўргатган ҳунарларингизни фарзандим яхши билиб олган, фақат яна бир зарур ҳунарни ўргатмагансиз, — деди. Улар қайси ҳунар эканини сўрадилар. Отам айтди:

— Сиз ўргатган ҳунарларни зарур бўлган вақтда ўглимга ёрдам бериш учун ўнинг ўрнига бошқа киши иқро эта олади. Аммо зарур вақтида ўзи учун фақат ўзи қиладиган, бошқа киши унинг ўрнига ўтиб қила олмайдиган ҳунарни ўргатмагансиз, у ҳунар сувда қулоч отиб сузиш ҳунаридир.

Отам икки кемачини чақириб, мени уларнинг қўлига топширди. Мен учча истамасам ҳам отамга қаршилик кўрсатмай, сузишни ўрганишга киришдим, бу ҳунарни ҳам яхши ўрганиб олдим.

Бир кун бир неча киши билан кемага тушиб, Дажла дарёсининг нариги қирғоғига ўтмоқчи бўлдик. Кемамиз «Акира» деган ергa кириб қолди, бу ер гирдоб ва хавфли ер эди. Жуда моҳир кемачилар ҳам бу гирдобдан жуда кўп машаққат тортиб ўтардилар. Бизнинг кемачимиз моҳир кемачи эмас, кемани қандай қилиб сузишни яхши билмас эди. Пигирма етти чамасида бўлган киши ғарқ бўлди. Фақат уч киши: мен, яна бир киши ва Зийрак Кайкоус номли хизматчим қулоч отиб сузиб, қиргоққа соғ-саломат чиқдик. Бу даҳшатли воқеадан кейин отамга бўлган муҳаббатим яна ҳам зиёда бўлди. Бундай воқеа ўзининг ҳам бошидан ўтгани учун сузиш ҳунарини менга ҳам ўргаттирган экан.

Эй, фарзанд, бу ҳикоядан ибрат олиб, фарзандларингга ҳар турли илму ҳунарни ўргат, шу билан оталик шафқати шартини бажо келтирган бўласан. Кишининг бошига нималар келишини олдиндан билиб бўлмайди. Ҳар фазлу ҳунар албатта, бир кун ишга ярайди. Шунинг учун фарзандларингнинг илму ҳунар ўрганишларига бепарволик билан қарама. Мабодо, баъзи вақтда фарзандларинг ножўя ҳаракатлари сабабидан муаллимлари уларни танбеҳ қилсалар, сен фарзандларинг тарафини олиб, муаллимлардан ҳафа бўлма, балки ўзинг ҳам яхшилаб танбеҳ қил. Фарзандларингнинг илму ҳунар ўрганишлари учун кучинг етгунча ҳеч нарсанигни аяма. Одоб, илму ҳунар ўрганишларини ўзингнинг уларга қолдирадиган меросинг деб бил.

Ш. ЗУННУН тайёрлаган.

ЖИЗЗАХ ОРОМГОҲЛАРИ

САЙЁҲ САРГУЗАШТАЛАРИ

ЖИЗЗАХ деганда кўпчиликнинг кўз ўнгига жазирама иссиқ ва қақраган чўллар келади. Ҳақиқатда эса, областнинг тоғ бағирларида кўркам боғлар, сувга сероб гуллаган водийлар, арчазорлар беҳисобдир.

Областнинг Бахмал районида иқлимий санаторийлар қуриш учун энг қулай жойлардан бири. Район марказидан 30 км. масофадаги баҳаво Кўкжардир. Бу ер денгиз сатҳидан 1300—1350 метр баландда жойлашган. Ёз ойларида Кўкжар ҳавосининг ҳарорати Жиззах шаҳрига нисбатан 5—6 даража пастроқ бўлади. Ҳозирча бу ерда ёзлик 200 ўринли «Тоғ ҳавоси» пансионати ишлаб турибди. Район территориясидан оқиб ўтадиган Сангзар дарёси юқори оқимидаги қалин ўрмонлар даволанувчилар ва дам олувчиларга ҳузур бағишлайди. Кўкжар атрофида йил бўйи ишлайдиган юрак ва асаб касалликларини даволайдиган санаторий қуриш мумкин. Район территориясида пионер лагерлари ва туристик базалар қуриш учун ҳам қулай жойлар бор.

Зомин районининг Туркистон ва Молгузар тизма тоғлари этакларида ҳозирча бир нечта пионер лагерлари ва ёзлик туристик база ташкил қилинган.

Районнинг Еттикечув ва Ўрикли сойларида кенг, хушманзара жойлар мавжуд. Шундай жойлардан бири Еттикечув водийсида район марказидан 60 километр масофада жойлашган Миҳ қишлоғи. Қишлоқ денгиз сатҳидан 1300—1400 метр баландликда жойлашган. Бу ернинг табиати нафас органлари ва асаб касалликлари билан оғриган беморлар учун жуда фойдалидир.

Ўрикли сойи водийсида Зоминдан 55 километр масофада сўлим жойлар мавжуд. Ёзда кундузги ҳавосининг ҳарорати Зомин ҳарагида 7—8 даража паст, ҳавонинг намлиги бирмунча юқори бўлади. Водийдаги сой шалолалари дам олувчиларга ҳузур бағишлайди.

Районнинг баланд-тоғ қисмида Қашқасув, Кўкдектар, Қизилмозор, Кўлсой, Супа деб аталувчи хушманзара баҳаво жойлар бор.

Фориш районининг Нурота тоғи этакларида Ухум қишлоғи, Жиззах шаҳри яқинидаги Молгузар тоғи этакларидаги Увоб ва Кўрпа қишлоқларида ҳам кўнгилли ҳордиқ чиқариш мумкин. Бу ер пансионатлар, дам олиш зоналари ва пионер лагерлари қуриш учун қулайдир.

З. МАҲАМАТИЛЛАЕВ,
география фанлари кандидати.

Шанба оқшоми

Мен анчадан бери киносценарий ёзмоқчи бўлиб юрардим, мана, у тайёр бўлди:

«Фабрикага кириш дарвозаси. Қоровул столдаги газетани ўқиш билан банд.

Камера хонанинг ички панорамасини кўрсатяпти, кейин соатга тўғриланди, вақт 14 у 05 минут бўлиб ...

Журналист рухсатномани ушлаган ҳолда дарвозахонага қайтади. Қоровул кўзойнагини тақиб ўқийди. Камера жуда яқинга келади. Жуда катта қилиб кўрсатади.

— Хонанг Тадеуш?

— Шундай.

— Паспортингиз.

— Пропуска бюросида олиб қолишди.

— Редакциядан берилган гувоҳномангизни беракалинг.

— Ў ҳам паспорт ичида эди, пропуска бюросида қолди.

— Бошқа бирорта ҳужжатингиз йўқми? Лекин суратингиз тушириллгани бўлиши керак. Бу сизми, бошқами мен билишим керак.

— Енимда бошқа ҳеч қанақа ҳужжатим йўқ.

— Бориб уйингиздан олиб келинг.

Қоронғилаштирилади.

Қоронғу қўйнида дарвозахона манзараси. Камера соатни кўрсатади. Вақт 15.15.

Журналист киради. Касаба союз билетини кўрсатади.

Қоровул кўзойнагини тақади.

— Хўш, касаба союз билети. Йўқ! Аъзолик бадали тўланмапти. Уч ойлиги яна! Билет ҳақиқий эмас. Мана, яна ишимиз юришмади.

Журналист кираётган ... Ишчиклар катта қилиб кўрсатилади.

Эркаклар ящикларни машинанинг орқа ўринидиқларига жойлашади. Омборхонадан яна икки қоп нарса олиб чиқишади.

Қоплар йириклаштириб кўрсатилади.

Эркаклар қопларни машинанинг юкхонасига жойлашади. Ўзлари ҳам машинага ўтиришади.

Дарвозахона. Қоровул ўт ўчирувчи билан гаплашиб ўтирибди. Автомобилнинг сигнали қаттиқ чалинади.

Қоровул чиқиб, дарвозаларни очиб юборади, машина тезда кўздан ғойиб бўлади.

Қоровул ўз хонасига қайтиб келади.

— Ким бўлди? — сўрайди ўт ўчирувчи.

— Дирекция томонидан бўлса керак, машинанинг сигнали жуда қаттиқ чалинди-ю. Нуфузли одамлар эканлиги шундоқгина кўриниб турибди. Улардан бири менга қўл силкитиб хайрлашиб ҳам кетди...».

Сценарий бадиий совет йиғилишида кўриб чиқилди. Бадиий совет уни саҳнага қўйиш учун қабул қилиб олди. Унинг муаллифига: «Финалдаги ҳалиги кишилар кимлиги ва машинада нималарни олиб кетганлигини аниқлаш керак», деган битта тузатиш киритишни таклиф этишди.

Русчадан **Т. Унабоев** таржимаси.

Адам ОХОЦКИЙ,
(Польша).

(Ҳажвия)

МАҲАЛЛА СТАДИОНИ

Бешқайрагоч массивидаги Акмал Икромов номли маҳалла активлари ташаббуси билан бу ерда стаднон қурилди. Майдон ҳар куни маҳалламиздаги ёш футбол ишқибозлари билан гавжум бўлаётир. Футбол майдони Маҳорат кўчасида жойлашгани учун маҳалла ёшлари ўз командаларига «Маҳорат» деб ном қўйдилар.

Л. ҲАМИДОВ.



Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг астрономия институти ташкил қилинганлигига юз йил тўлди. Шу муносабат билан кейса илмий даргоҳнинг юбилейи ўтказилмоқда. Унинг тантаналарида қатнашиш учун мамлакатимизнинг Москва, Ленинград, Киев ва бошқа шаҳарларидаги астрономия институтларининг таниқли олимлари меҳмон бўлиб келдилар.

СУРАТДА: институт илмий ходими Шавкат Убайдуллаев Қуёш телескопи олдида.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

Кичкинтойлар ҳаловатда

• Пионер ёзи бошланди

«Ўзбекистон 25 йиллиги» пионерлар лагери трамвай-троллейбус бошқармаси ишчи-хизматчилари кучи билан ташкил этилган. Ўтган давр ичида лагерга транспортчиларнинг 2 мингга яқин ўғил-қизлари ёзги таътилларини ўтказдилар.

Болаларнинг бу йилги ҳам каникул кунларини мазмунли ўтказишлари учун катта тайёргарлик кўрилди. Лагерь сифатли ремонт қилинди. Бу ерда бир неча янги спорт иншоотлари, чўмилиш бассейнлари, концерт залари барпо этилди. Бу йил лагерда транспортчиларнинг 645 ўғил-қизлари дам олади. Шу кунларда лагерда бошқарма транспортчиларининг 215 кичкинтойи дам олмоқда. Ғоятда манзаали, соя-салқин, сўлим ормонзор кичкинтойларга ёқиб тушди. Уларга тажрибали воситачи ва ўқитувчилар билан отрядни сафга чорлайди.

2.) 3-отряд пионерлари дам олиш хонасида бўш вақтларини домино ўйнаш билан завқли ўтказишга одатланишган.

3.) Тарбиячи, пионервожатий И. Клеер дам олувчиларга Улуғ Ватан урушида қатнашган қаҳрамон пионер жангчилар ҳақида ҳикоя килмоқда.

И. Шоногомов фотолари.

Лагерда ҳар куни спортнинг барча турлари бўйича қизиқарли машғулотлар ўтказилиб, саёҳатлар уюштириляпти. Бундан дам олувчилар гоятда ҳурсанд.

СУРАТЛАРДА: пионер лагерида дам олаётган Белинский номли 51-мактаб ўқувчиси Р. Сайдалиҳўжаева ҳар куни эрталаб горн билан отрядни сафга чорлайди.

Кувнок сатирлар

▲ Профессор студентдан сўради:

— Имтиҳон вақтида студентлар қайси сўзни кўпроқ ишлатишади?

Студент:

— Билмайман, ўртоқ профессор!

Профессор:

— Тўғри, жуда тўғри топдингиз!

* * *

▲ — Отангнинг ёши нечада?

— Саккизда.

— Бўлмагур гаплар.ни гапирма!

— Ростини айтяп.ман, ахир у мен туғил.гандан сўнг ота бўлганда.

* * *

▲ Сидоркин телевизорда футбол кўриб ухлаб қолди. Хотини уни уйқудан уйғота бошлади.

— Тур, ўн икки бўлди.

Сидоркин чўчиб уйғонди-да, сўради:

— Кимнинг фойдаси.га?

* * *

▲ Бўёқчи шогирдига деди:

— Чиқиб, қўшнининг деразасини бўяб келгин. Ярим соат ўтгандан кейин шогирд қайтиб келди ва сўради:

— Ромларни ҳам бўяйми?

Қулайликлар адреси:

Ўғит керак бўлса...

Ҳурматли редакция! Гуллар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини озиқлантириш учун минерал ўғитларни қаердан сотиб олса бўлади?

К. КАРИМОВ.

Минерал ўғитларни «Ташхозкультоург» магазинларидан харид қилишингиз мумкин. Бу магазинларда аммонийлаштирилган суперфосфат, селитра, мевали дарахтлар ва гуллар учун махсус аралашмалар сотилаётир. Магазинларнинг энг йириклари Октябрь, Олой, Бешёғоч, Фарҳод бозорларида, Навоий ва Муқимий кўчаларида жойлашган.

Бу савдо муассасаларида қишлоқ хўжалик зараркунандаларига қарши ишлатиладиган дори ва препаратлар ҳам сотилади.

Стандартлар магазини

Бу магазиндан давлат стандартлари ҳақидаги тўпламлар ва методик қўлланмаларни сотиб олишингиз мумкин. Магазинда ўлчов ва ўлчов асбобларини текшириш қоидалари ҳақида, метрология, ўлчов техникаси ва стандартлаштириш бўйича бюллетенлар мавжуд.

Шунингдек, бу ерда «Стандарт и качество», «Измерительная техника», «Информационный указатель стандартов», «Экспресс-стандарт» сингари вақтли матбуот нашрлари сотилади. Магазин 18, 58-автобусларнинг «Лесосклад» бекатида жойлашган.

Кўмир олай десангиз...

Еқилғи базасининг кўмир складларига буюртма беришингиз мумкин. Буюртмалар ҳар ўн кунда бир марта қабул қилинади. Кўмир буюртма қабул қилингач бир ой муддатда элтиб берилади. Октябрь, Собир Раҳимов районларининг аҳолиси Уста Ширин кўчасидаги 175-уйда жойлашган 2-кўмир складига, Фрунзе ва Октябрь районининг Самарқанд дарвоза кўчаси атрофида яшовчилар Шота Руставели ва Полевая кўчасида жойлашган 3, 4 ва 5-кўмир складларига, Ленин ва Ҳамза районида турувчилар эса, Ипподромная проезди, 58-уйда жойлашган 1-кўмир омборига буюртма беришлари мумкин.

Хусрав Деҳлавий ҳикматлари

✦ Саримсоққа атиргул сувини сепган билан муаттар бўлавермайди.

✦ Гул ҳидини билмаган гул қадрини билмаганидек, аҳмоқ ҳикмат лаззатини билмайди.

✦ Нафис гуллайдиган тиканлар ҳам кўп.

✦ Бу кенг олам дўсту ёрон билан хуш,
Боғу бўстон гулу райҳон билан хуш.
Дарахт ўрнига гар эксанг тикан,
Шундай тикан экки, гул берса экан.

Тўпловчи Н. РАСУЛОВ.

• Ажаб дунё экан

Танк топишди

Болалар метал-лом излаб юришганди. Улар Ольштин воеводалигидаги Бранево шаҳри атрофидаги қандайдир бир жарликка бориб қолишди. Болалар бу ерда қалин бутазор ичидан чиқиб турган қувурни кўриб қолишди. Бу қувур оғир танк — «Тигр»тўпининг стволи бўлиб чиқди. Кўп йиллар давомида киши кўзи тушмаган танкни афтидан, гитлерчилар чекинаётиб ташлаб кетишган бўлса керак.

Ажойиб топилдиқ ҳақида болалар милициягa хабар беришди. Улар эса ўз навбатида болалар кирқ тонналик металл келтириши ҳақида эски-тускилар қабул қилувчи пунктни хабардор этишди. Аммо иш бунчага бориб етмади. Бир вақтлар даҳшатли ва ҳали туппа-тузук бўлган бу машина маҳаллий давлат хўжалиги ходимларини қизиқтириб қолди. Оз-моз ремонт қилинган «Тигр» силос бостиришда ишлатилади.

Яланғоч ҳолда

Ҳозир АҚШдаги айрим ёшлар ўртасида тарқалган «стрикинг» ишқибозлари кўчаларда онаден қандай туғилган бўлса, шундайлигича чопиб юришади. Улар ўз «гоя»ларини бошқа қитъаларга ҳам ёймоқчи бўлишди. Чет эллик «стрикерлар» Кенияда пайдо бўлиб қолишди. Аммо бу ернинг ҳокимлари бундай меҳмонларни илиқ қаршилашмади.

Республиканинг вице президенти Даниэль Мой шаҳар кўчаларида яланғоч ҳолда юрган чет элликлар дарҳол мамлакатдан чиқариб юборилади, деди. Бундай меҳмонлар кўчада қандай ҳолда ушланса самолётга худди шу ҳолича ўтказиб юборилади.

Илоннинг кучи

Икки метрли илон Токио билан Осакани боғловчи темир йўл магистралида электропоездлар қатновини бир ярим соат тўхтатиб қўйди. Ғўсатдан тушган совуқда илонни трансформаторнинг иссиғи ўзига жалб этди. Натижада илон қиска туташувга сабабчи бўлди ва ҳамма поездлар тўхтаб қолди.

Фалокат жарчиси

Париж метрополитени Европадаги энг кекса ва энг йирик метрополитенлардан бири ҳисобланади. Бу метрополитен 1900 йилда ишлай бошлаган эди. Кейинги пайтларда Париж газеталарида француз пойтахтининг метросида юз берётган ўғирликлар, қ а р о қ чиликлар ва уриш-жанжаллар ҳақида тез-тез хабарлар пайдо бўла бошлади. Йўловчиларнинг шикоятига жавобан шаҳар префектураси ҳар бир станцияни доимий полиция патрули билан таъмин этаолмаслигини билдирди.

Бунинг ўрнига йўловчилар учун станцияларда махсус сигнал қурилмаси ўрнатишга қарор қилинди. Бу қурилма сигналига кўра полициячилар ва метрополитен ходимлари ҳодиса рўй берган жойни аниқ билиб олиши ва жабрланувчиларга тезда ёрдамга етиб келишлари мумкин.

• Сўраган эдингиз...

Ҳайдовчи, пиёда айбдор бўлса...

Ҳурматли редакция! Айрим ҳайдовчилар транспорт воситаларига эътиборсизлик билан муносабатда бўладилар. Тўғрироғи, уларнинг машиналарни қаровсиз қолдириб кетиш ҳоллари кўпинча йўл-транспорт ҳодисаси юз беришига сабаб бўлади. Шунингдек, пиёдалар айби билан ҳам қатор кўнгилсиз воқеалар содир бўлиб туради. Қонун актларида бундай тартиббузарларга қандай жазо чоралари белгиланган?

4-қурилиш трестининг бинокорлари З. Шораҳмедов, М. Хонтўраев ва бир газетхонларнинг бу саволига юрист Д. Умарова қуйидагича жавоб берди.

Юқорида тилга олиб ўтилган тартиббузарларга қарши курашиш билан асосан Давлат автомобиль инспекцияси бўлимлари ва уларнинг жойлардаги вакиллари шуғулланадилар. Транспорт воситаларидан шахсий бойиш мақсадида фойдаланганлар мавжуд қоидани бир марта қўпол равишда бузганлик оқибатида йўл қўнгилсиз ҳодисасига сабабчи бўлганлар, шунингдек, ҳайдаш ҳуқуқи йўқ шахслар бир йилда иккинчи марта ўзбошимчалик қилганларида бундай айбдорларга ўттиз сўмгача жарима солинади. Ўз транспорт воситаларини рулга ўтиришга ҳуқуқи бўлмаган ёки маст ҳолдаги шахсларга бериб қўйганликлари учун йўл назоратчилари томонидан қўлга туширилган шоферларга ҳам ана шундай чора қўлланилади.

Республика Олий Совети Президиумининг тегишли Фармонига мувофиқ Давлат автомобиль инспекцияси бўлими ҳайдаш ҳуқуқи бўлмаган кишиларга кайф қилган ҳолда транспортни бошқаришга берганликда айбланганларга эса эллик сўмгача жарима солаолади.

Пиёдалар, велосипедчи ва аравакашлар кўча ҳаракати хавфсизлиги қоидаларини қўпол суратда бузсалар, айбнинг даражасига қараб, ўн сўмгача жарима тўлашга мажбурдирлар.

Светофор

Ун иккинчи сон

Тартиббузарларни маълум қиламиз

Ҳайдовчилар... Собиқ шофёрлар Т. Нурмуҳамедов («Ўзэлектросеть»), А. Тошхўжаев («Главташкентстрой» автобазаси), Р. Зиатуллин (УЗГИТИ), В. Хабибуллин (12-автобус парки), А. Зокиров («Ўзэлектросеть») А. Қурбонов (1-Уйсозлик комбинати) маст ҳолда транспортни бошқарганликлари учун бир ярим йилдан икки йилгача машина рулига ўтириш ҳуқуқидан ажралдилар. Шунингдек, уларнинг ҳар бири 10 сўмдан 30 сўмгача жарима тўлади.

Шахсий автомашина ҳайдовчилари Ф. Кроблох, А. Зубенко, В. Трофимов, Б. Герасимчук, В. Базиев, С. Мордвиновлар ҳам ана шундай жазо олдилар.

7-автобус паркидан М. Ҳамдамов тезликни оширганлиги, Ташпассавтотранс 5-таксопаркидан В. Баришев транспортга қарамақарши юриш тартибини бузганлиги, Ташпассавтотранс 7-таксопаркидан Н. Бойму ҳамедов қувиб ўтиш қоидасини бузганлиги учун 3 ойга транспортни бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилди.

Ю. Банишев, Х. Файзиражмонов (2-троллейбус депоси), А. Аъзамов (2-пойафзал фабрикаси) чорраҳадан ўтиш қоидасига риоя қилмаганлиги ва йўл белгиларини менсимаганлиги сабабли, бир ой муддатга ҳайдовчилик ҳуқуқидан жудо бўлишди. Шундан кейин юқоридагилар каби улар ҳам ҳаракат қоидалари бўйича синовдан ўтадилар.

Пиёдалар... Тошкент метро қурилиши ишчиси В. Габович, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози тракторчиси М. Ҳакимов, авиация заводи слесари П. Муродов, «Ўзтранспецстрой» инженери В. Вдовин, Политехника институти студенти И. Тўйчиев, мебель фабрикаси токари В. Потатуевларнинг ҳар бири кўчалардан ўтиш қоидасини қўпол бузганликлари туфайли уч сўмдан жарима тўладилар.

Ҳайдовчилар диққатига

Ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ер қазиш юмушлари бажарилаётганлиги сабабли Локомотив, Ломоносов, Севастополь, Головин кўчаларида вақтинча транспорт ҳаракати тўхтатиб қўйилади.

Бизга жавоб берадилар

«Тошкент оқшоми»нинг шу йил 27 мартда босилган мақола юзасидан «Ташгипротранс» маъмурияти қуйидагини хабар қилади: маст ҳолда рулга ўтирганида қўлга туширилган ва ГАИ маъмурий комиссияси томонидан икки йилга ҳайдовчилик ҳуқуқидан маҳрум қилинган собиқ шофёр В. Белобродов ҳайдовчилар умум ижтимоий ишлар ҳисобидан ишлаб чиқилди. Линиядаги ҳайдовчилар ўртасида тарбиявий ишларни яхшилаш, улар фаолияти устидан назоратни кучайтиришга қаратилган қатор тадбирлар ишлаб чиқилди.

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ УЧУН

Ҳамиша постда

Горький номли майдонда милиция формасидаги киши ўз постида турипти. Жазирама иссиқ. Емирилган баҳорнинг сўнгги кунлари ёз билан ўрин алмашди, Термометр симоби қирқни кўрсатишига салгина қолган. Бунга бардош бера олмаган кўчадаги йўловчилар ўзларини квас ёки газ сувга навбат пойлаб турувчилар сафига уришади.

Шунда ҳам у ўз постида. Йўл—ҳаракат қоидаларининг арзимас бузилиши қоллари ҳам унинг ўткир кўзларидан четда қолмайди. Бу йигит ГАИ йўл назорати инспектори Равиль Валиуллин.

Бир минут! Бу дегани нима? Тўхтовсиз ўтиб турган машиналар оқимида бахтсиз ҳодисанинг юз бериши учун минут эмас, секундлар кифоя. Равиль буни яхши тушунади. Шунинг учун ҳам, инспектор йигит диққатини танга ором бахш этувчи соя-салқин ҳам, ёнгинадан оқиб турувчи ариқчалардаги зилол сувнинг ёқимли куйи ҳам жалб эта олмайди...

Унинг кечагидек эсида. Кўнгилсиз воқеанинг юз беришига сал қолганди. «Комсомол 40 йиллиги» кўчасидан чиққан юк автомашинаси тўппа-тўғри майдонга томон келарди. Транспортнинг шу тезликда келиши инспекторни эмас, балки бу ердан ўтиб турувчи ҳар бир йўловчи қалбига ҳам ғулғула солди.

—Ҳар эҳтимолга қарши машина ҳайдовчисини бир текшириб кўрайчи, — деган фикрда Равиль таёқчасини ҳаракатга келтириб ҳуштагини чалди. Инспектор сигналини эшитган шофёр тўхташ ўрнига, аксинча тезликни ошириди. Бир минутдаёқ оғир юк ортилган «МАЗ» чорраҳада йўл очилишини кутиб турган машиналарга яқинлашиб қолди. Ўйлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Валиуллин «Волга» енгил машинасига ўтириб, унинг кетидан зудлик билан жўнади.

Қувиб етиб олиш лозим. Бу тартибсизар шофёр маст ёки машинани ҳайдаб қочган бирор ўсмир бўлиши мумкин, кўнглидан ўтказди инспектор.

Равиль «Волга» билан «МАЗ»ни қувиб ўтиб, унинг йўлини тўсди. Юк машина рулида ўтирган ҳам «тажриба»ли экан. Тезликни бироз пасайтирган ҳолда «МАЗ»и билан шундайгина «Волга» ёнидан ўтиб кетиб қолди. Шундан сўнг, Валиуллин ўз тактикасини ўзгартишга қарор қилди. У «Волга» ҳайдовчисига «МАЗ»нинг кенг борти орқасидан панада изма-из юришни таклиф этди. «Ҳийла» ишлатиш инспекторга қўл келгандек бўлди. Навбатдаги чорраҳада «Светафор» қизил чироғи ёниб турганда «МАЗ» тўхтади. Енгил машинадан тушган инспектор «МАЗ» кабинасининг чап томон эшигига югурди. Афсус, қулфлаб қўйилган экан. У ўнг томонига ўтаётганда машина жўнаб қолди. Яна ҳавфли минутлар. Икки машина Луначарское шоссеси бўйлаб транспорт оқимига қарши жадаллаб борарди.

«МАЗ» рулида ўтирган жиноятчи қочиб қутилишига кўзи етмади. Шунинг учун ҳам, у «сўнгги тадбири»ни амалга оширишга чоғланди. «Волга» изма-из қувиб келаётганида жиноятчи ҳайдовчи «МАЗ»га бирдан тормоз берди. У кабинадан сакраб тушди-да, қоча бошлади. Бироқ у мўлжалланган бахтсиз воқеа юз бермади.

Машина ўғриси милиция бўлимига олиб келинди...

Мана, инспектор йигит яна Горький майдонида, постида. Йўл қоидасини яхши билмайдиган пошқалоқ пиёдаларга у зарур изоҳлар беради. Йўл назоратчисининг вазифаси шу. Йилнинг тўрт мавсумида: қаҳратон қишу, жазирама иссиқда ҳам у ҳамиша сергак. Сержант Равиль Валиуллиннинг иши ҳамиша сергакликни талаб этади. У бу ишни сидқидилдан адо этаяпти.

СУРАТДА: ГАИ йўл назорати инспектори, милиция сержанти Р. Валиуллин.

Татарников фотоси.

Оқшомхонлар диққатига!

«Тошкент оқшоми» редакцияси ва Давлат автоинспекцияси адресига ҳайдовчилар, пиёдалар, автомобиль ишқибозларидан кўплаб хатлар келиб туради. Улар ўз мактубларида йўл ҳаракати қоидалари билан боғлиқ бўлган қатор саволларга жавоб беришни сўрашади.

Бугун «Светафор»да янги рубрика пайдо бўлди. Бу рубрика остида бериладиган материалларда «Оқшом» газетхонлари шаҳар транспорти, ГАИ фаолиятига оид кўпгина ўзларини қизиқтирган саволларга берилган жавобларни ўқийдилар. Йўл ҳаракати қоидаларининг айрим мураккаб пунктлари конкрет мисолларда шарҳлаб берилади.

Газетхонларни қизиқтирган саволларга Давлат инспекцияси ходимлари, йўл ҳаракати хавфсизлиги ташкилотларининг мутахассислари жавоб берадилар. «Автомотолюбитель» жамияти Республика Советининг масъул секретари Ю. Бродицкий бугун сиз, оқшомхонлардан келган саволларга жавоб беради.

Сўранг, жавоб берамиз

САВОЛ: В. Кирилов — Тошкентнинг бир қатор кўчалари, йўллари реконструкция қилинянти, ёки уларда ремонт ишлари олиб борилмоқда. Бироқ уларда бирор белги қўйилмаган. Бундай кўча ёки йўлларга тупроқли бўлганлиги учун иккинчи даражали деб қаралади. Агар уларда трамвай изи йўқ бўлса нима қиларди? Асфальтланган йўлда чорраҳага яқинлашаётганда тупроғи ёпилмаган кўча бўйлаб келаётган трамвайни ўтказиб юборишга шартми?

ЖАВОБ: — Ҳаракат қоидаларининг 110-пункти эслатмасида кўрсатилишича, тегишли белгилар қўйилмаганда ҳам асфальтланган йўл тупроқли йўлдагидан устунликка эга. Бу пунктда таъкидланишича, иккинчи даражали ҳисобланган йўналишдан келаётган шофёрлар (шу жумладан, трамвай ҳайдовчилари ҳам) асосий йўлда ҳаракат қилаётган транспорт воситаларига йўл беришлари керак. Сиз рўбарў келган ҳолда эса, трамвай ҳайдовчиси қўндаланг йўналишда бораётган ҳар қандай транспорт турини ўтказиб юборишга мажбур.

Бу сонни Тошкент шаҳар Ижроия Комитети ички ишлар бошқармаси ГАИси агитация ва пропаганда бўлими ходими Л. ОФФЕНГЕНДЕН тайёрлади.

Ҳар тўғрида

БУЛБУЛ ОРОЛЛАРИ

Жанубий Балхаш бўйи қумли чўлини кесиб ўтувчи Или дарёсидаги кичик-кичик ороллар булбул хонаки тонгдан тонгача тинмайди. Худди бу олис ўлкада «Булбул фестивали» очилиб, унга кўп минг қанотли хонандалар учиб келгандек туюлади. Уларни бу ерга нима жалб қилган?

Мутахассисларнинг текширишларидан маълум бўлишича, булбул суйган кўм-кўк ороллар ўтиш қийин бўлган чангалзорлар билан қопланган. Чангалзорларни наъматаклар, печақ гуллар босган, қушлар бу ерда ўзини тамомила хавф-хатарсиз сезади.

Тез оқар серсув Илининг энг катта булбул ороллари жамики паррандалари билан бирга давлат муҳофазасига олинган. Улар бу ерда очилган давлат заказниклари составига киритилган ва шу қўриқхоналар территориясида ҳамма хил овлар тақиқланган.

(ТАСС мухбири). Олмаота.

НУР СУТ СИФАТИНИ БЕЛГИЛАЙДИ

Кимёвий анализ ўрнига энди ультрабинафша нур лаборантлар сут таркибида қанча оқсил борлигини аниқлашларига ёрдам беради. Анализ қилиш учун бир минутдан ошиқ вақт кетмайди. «Агроприбор» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси «ЭПМ—70» маркали тез ишлайдиган шундай протейнметрларнинг биринчи туркумини ишлаб чиқарди.

Янги асбобда ультрабинафша нурланиш таъсиридан оқсил молекулаларининг шуъалланиш ҳодисасидан фойдаланилган.

Сут таркибидаги оқсил сут сифатининг энг муҳим кўрсаткичларидан биридир. Сут маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамма босқичларида мана шу кўрсаткични назорат қилиб туриш зарур.

Москва. (ТАСС).

Бугун ва эртага "Занғори экран"да

8 ИЮНЬ — ШАНБА

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 «Сеҳрли сўз ва Вова исмли бола». Мультфильм. 18.15 Болалар учун. «Санъат ғунчалари» (ўзбек тилида). **Рус тилида:** 18.45 «Ахборот» информацион программаси. 19.00 «Киносанъат тараққиёти учун». **Узбек тилида:** 19.55 «Ўзбекистон». Телевизион киножурналининг 12-сони. 20.05 «Ахборот» информацион программаси. 20.25 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган ҚАССР ва республика областларининг телевизион фестивали. Экранда — Сирдарё области. 21.55 Кўрсатувлар программаси. **Москва кўрсатади.** 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 22.30 СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 22.50 «Шоҳсанам ва Ғариб». Бадиий фильм.

Иккинчи программа Москва кўрсатади. 17.35 «Мўъжизасиз мўъжизалар». 18.35 Ўсмирлар ўртасида бокс бўйича Европа чемпионати, Киевдан олиб кўрсатилади. 19.05 Москва концерт валлари бўйлаб. 19.50 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа. 20.20 Рангли телевидение. Советлар мамлакатининг болалари. «Миллионлаб талантлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.55 Рангли телевидение. «Мен ва менинг қўшиларим». Телевизион бадиий фильм премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Здоровье». Илмий-оммабоп программа (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 **Эстрада концерти.** 24.00 Кўрсатувлар программаси.

Учинчи программа. Душанба кўрсатади. 17.35 Кўрсатувлар программаси. 17.40 Кинокамера билан саёҳат. 18.40 «Пионер» студияси кўрсатади. 19.00 Янгиликлар. 19.15 «Партия ташкилоти ва социалистик мусобақа». 19.35 Телефильм. 20.20 «Москва. Советлар мамлакатининг болалари». «Миллионлаб талантлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. 20.55 Янгиликлар. 21.10 «Бўстон» фестивали конкурси иштирокчиларининг концерти. 22.00 Душанба кўрсатувларининг охири.

9 ИЮНЬ — ЯКШАНБА

ЕНГИЛ САНОАТ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Биринчи программа. Тошкент кўрсатади. 9.25 Кўрсатувлар программаси. 9.30 Янгиликлар. 9.40 Болалар учун телевизион театр. Н. Лада. «Гонза ва сеҳрли олмалар». 10.30 Ҳўкувчилар учун. «Компас» (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 11.00 Кўрсатувлар программаси. 11.05 Янгиликлар. 11.10 Рангли телевидение. Ўқувчилар учун. «Будильник». 11.40 Рангли телевидение. «Совет Итти-фоқига хизмат қиламан». 12.40 Рангли телевидение. Бугун — Енгил саноат ходимлари куни. СССР енгил саноат министри Н. Н. Тарасовнинг чиқиши. 12.55 Рангли телевидение. Енгил саноат ходимларининг талабларига мувофиқ концерт. 13.25 СССР Олий Советига сайловлар олдидан. 13.40 Рангли телевидение. Қишлоқ янгиликлари. 14.40 Рангли телевидение. Михайловское қишлоғида Бутуниттифоқ Пушкин поэзияси байрами. 16.00 Мусиқа жаванги. 16.30 Рангли телевидение. Адабий асарларни экранлаштириш. «Шоҳ Султон ҳақида эртак». Бадиий фильм. **Тошкент кўрсатади.** 17.55 Кўрсатувлар программаси. **Рус тилида:** 18.00 Болалар учун. «Колокольчик» клуби. 18.30 Бугун — Енгил саноат ходимлари куни (ўзбек тилида). 18.45 «Поэзия ва музиқа». 19.15 «Ахборот» информацион программаси. 19.30 Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига. «Ленин ва Ўзбекистон». **Москва кўрсатади.** 19.55 Халқаро панорама. **Тошкент кўрсатади. Узбек тилида:** 20.25 Ўн минут музиқа. 20.35 «Қўйчилик — муҳим соҳа». 20.55 «Ахборот» информацион программаси. 21.15 «Экран ҳандаси». (такрорий кўрсатув). 21.55 Кўрсатувлар программаси. Москва кўрсатади. 22.00 «Вақт» информацион программаси. **Тошкент кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. «Марҳабо, талантлар!». Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллигига бағишланган ҳавқ ижодкорлари телевизион фестивали. Қорақалпоғистон Автоном республика бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқиши.

Иккинчи программа. Тошкент кўрсатади. Ўқув программаси Абитуриентлар учун: Узбек тилида: 10.00 Математика 11.00 Физика. 12.00 Биология. 12.30 Адабиёт. 13.00 Математика (рус тилида). 14.00 Химия. **Москва кўрсатади.** 17.55 Цирк майдонида. 18.55 Рангли телевидение. Киносаҳатчилар клуби. **Тошкент кўрсатади.** 19.55 Киноэкран янгиликлари. «Саёҳатга таклиф этамиз». Реклама (рус тилида). **Москва кўрсатади.** 20.25 Рангли телевидение. «Тўғри-тўғидан бўлсин». Телевизион спектакль премьераси. **Тошкент кўрсатади.** 22.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Сенинг замондошинг» (ўзбек тилида). **Москва кўрсатади.** 22.30 Рангли телевидение. Ҳужжатли фильмлар программаси. 22.55 Рангли телевидение. СССР халқ артисти Г. С. Уланова ижодий фаолиятининг 30 йиллигига бағишланган кеча. Танаффус вақтида ҳужжатли фильмлар.

Учинчи программа. Фрунзе кўрсатади. 16.30 Кўрсатувлар программаси. 16.35 Экран — болаларга. 17.30 «Ёш ватанпарвар». 18.15 Ўш кўрсатади. 18.55 «Шувакаси, ҳам бўладиз». Сатирик миниатюралар. 19.30 «Олатов баҳори». Санъат фестивали. 22.00 Фрунзе кўрсатувларининг охири.

● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ ● СПОРТ

КОМБИНАТДА ЭНГ ЯХШИ КЛУБ

Чирчиқ электр-химия комбинатидаги қизил бурчакларни кичкина клублар деб аташади. Карбамид цехининг ишчилари ана шундай кичкина клубларда учрашувлар ўтказмоқдалар. Улар бу ерда мусобақа якунларини чиқармоқдалар, мусобақа ғолибларини шарафламоқдалар. Цех ишчилари тушки дам олиш вақтида ва ишдан сўнг суҳбатлар, сиёсий ахборотлар ва йиғилишлар ўтказишга тўпланадилар. Қизил бурчакда шахмат ўйнаб, дам олмоқдалар, ҳаваскор артистларнинг концертларини тингламоқдалар.

Комбинатда ўтказилган қўриқ якунлари бўйича карбамид цехининг қизил бурчагига биринчи классли ўрин, вимпел ва мукофот берилди.

Ҳаваскорлик фильмлари конкурси

Ўзбекистон касаба союзлари республика совети ва Ўзбекистон кинематографчилар союзи эълон қилган ҳаваскорлик фильмлари республика конкурсига ҳар қандай жанрдаги кинокартиналарни тақдим этиш мумкин. Булар меҳнат жасоратларига бағишланган, совет кишисининг маънавий қиёфасини кўрсатиб берадиган, республиканинг ўтган ярим аср мобайнида эришган муваффақиятларини акс эттирувчи хроникал-ҳужжатли ва илмий-оммабоп, техника ленталари, кино очерклар ва кино кузатувлардир.

Конкурс ғолибларига дипломлар ва қимматбаҳо совғалар топширилади. Конкурс Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг олтин юбилейи арафасида якунланади.

(ЎзТАГ).

СПАРТАКИАДА ОЛДИДАН

Яна роппа-роса бир йилдан кейин Украина пойтахти Киевда СССР халқларининг олтинчи спартакиадаси стартига гандболчилар чиқишади. Шу муносабат билан республикамиз эркаклар терма командаси бу масъулиятли стартларга тайёргарлик ишларини бошлаб юборишди. Улар ҳар куни Тошкентдаги «Старт» стадионига кеч 19.30 да тўпланишиб, бу ерда машғулотлар ўтказишяпти.

Терма команданинг асосини олий лигада қатнашадиган ФИСК командаси ўйинчилари ташкил қилади. Маълумки, гандболчиларимиз яқинда тугалланган СССР чемпионатининг учинчи давра ўйинларида яхши натижаларни қўлга киритишди. Уларнинг ҳозирги асосий вазифаларидан бири мамлакат чемпионатини муваффақиятли якунлаб, «Буревестник» КСЖ Марказий совети биринчилигида яхши қатнашишдан иборатдир. Бу биринчиликда улар уч совриндор ўринлардан бирини олиш ниятида майдонга тушишади.

Терма команда составига спорт мастерларидан Л. Туркин, Д. Пугачев, Б. Барченко, Ш. Исмоилов, В. Светачев, З. Салоҳов, Ю. Камфинлар киритилган. Улардан ташқари терма командада «Старт» спорт клуби вакиллари М. Юрченко, В. Мальцев, Н. Валуев, Н. Квардаковлар ҳам ўйнашади. Машғулотларга қобилиятли ёшлардан В. Орлов, И. Шермуҳамедов, А. Калмаковлар ҳам жалб қилинади. Улар Олмаотадаги ўқувчиларнинг Бутуниттифоқ спартакиадасида республика шарафини ҳимоя этадилар.

ҚИСҚА САТРЛАРДА

Аёллар ўртасида жаҳон шахмат биринчилигида қатнашиш учун даъвогарлик қилаётган И. Левитина ва В. Козловскаялар ўртасидаги ярим финал матчининг 5-партияси ўйналди. Бунда 42-юришда В. Козловская галаба қозонди. Ҳозир у 3:2 ҳисобида пешқадамлик қилаяпти.

* * *

Италиянинг Верона шаҳрида ўтаётган оғир атлетикачиларнинг Европа биринчилиги мусобақаларини ишқибозлар зўр қизиқиш билан кузатмоқдалар. Сўнгги учрашувда бу ерда ярим оғир вазндаги спортчилар чиқиши бўлди. Унда СССР спортчиси Европа чемпиони Давид Ригерт янги жаҳон рекорди ўрнатди. У икки курашда 385 килограмм штангани кўтарди.

Чемпионатда болгар спортчилари ҳам ўз маҳоратларини намойиш қилмоқдалар. Ҳозир Болгария командаси 78 очко билан турнир пешқадами бўлиб турибди. 70 очко тўплаган СССР командаси иккинчи ўринда. Польша штангачилари эса 56 очко билан учинчи ўринда бормоқдалар.

СУРАТДА: дам олиш куни Роҳат кўлида.

В. Белоплотов фотоси.

Али сўнгги жангга шайланмоқда

Яқинда Бейрутда ўтказилган матбуот конференциясида собиқ жаҳон чемпиони Муҳаммад Али ўзининг севимли спорти билан бутунлай ҳайрлашмоқчи эканлигини билдирди. Лекин, у бу ҳайрлашув олдидан профессионал боксчилар ўртасида ҳозирги жаҳон чемпиони Жорж Формэн билан рингда учрашиш истаги борлигини айтди. Маълумки, шу кунда дунёнинг энг зўр профессионал боксчиси (оғир вазн бўйича) Жорж Формен 1973 йили Кингстонда Фрезерни нокаут қилиб жаҳон чемпиони номини олган эди.

«Уни енгиш ёки енгилишимдан қатъий назар — бу менинг рингдаги охирги жангим бўлади». — деди Муҳаммад Али. Ҳозирча бу матчга 25 миллион доллар йиғилиши кўзда тутиляпти.

Бу сафар Муҳаммад Алининг шуҳрати учун энг охирги ва энг кучли жанг ҳисобланади.

Пойтахтимизда шаҳар мактаб ўқувчиларининг шахмат ва шашка бўйича ўтказилган 20-спартакиадаси яқинда тугади.

СУРАТДА: саккиз ўйиндан етти очко тўплаган ёш шашкачи Октябрь районидаги 45-мактабнинг 6-синф ўқувчиси Хонзода Аҳмедова.

Х. Шодиев фотоси.

САМАРҚАНДЛИК ШАШКАЧИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Самарқандлик спорт мастери Марк Фозилов Самарқандда бўлиб ўтган шашка бўйича Ўзбекистон биринчилигининг ғолиби бўлди. Бу ерда республиканинг энг кучли шашкачиларидан 16 киши учрашди. М.Фозилов биринчиликни мағлубиятсиз ўтказиб, 12,5 очко тўплади ва чемпион унвонини қўлга киритди.

Фахрли ўринлар учун кураш авж олди. Мастерлардан Р. Додиман (Тошкент области) билан Ш.Ёқубов (Тошкент) учрашуви ана шу курашни ҳал қилди. Г. Дориманнинг ғалабаси уни иккинчи ўринга олиб чиқди, Ш. Ёқубов учинчи ўринда қолди.

Ҳурматли газетхонлар!

Биринчи июлда 1974 йилнинг иккинчи ярми учун «Тошкент оқшоми» газетасига обуна муддати тугайди. Агар сиз йилнинг иккинчи ярмида ҳам газетамизни мунтазам ўқиб боришни истасангиз, обуна бўлишни унутманг.

Обуна барча алоқа бўлимлари ва «Союзпечать» агентликларида чекланмаган миқдорда қабул қилинади.

Обуна баҳоси олти ойга—3 сўм, уч ойга—1 сўм 50 тийин, бир ойга 50 тийин.

Йилнинг ўтган беш ойи мобайнида газетанинг 125 сони чиқди. Газетани ўз вақтида етказиб беришни янада яхшилаш мақсадида сиздан қуйидаги маълумотларни юборишингизни сўраймиз. Йилнинг биринчи ярмида газетамизнинг қайси сонлари чиққан кунларнинг ўзида сизга етиб борди, қайсилари эртаси куни олиб борилди?

Ўз жавобларингизни яшаш жойингизга хизмат қиладиган почта бўлими индексини қўшиб ёзган ҳолда қуйидаги адресга хабар қилсангиз: 700000, Тошкент ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй. Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриёти матбуот тарқатиш бўлими.

Редактор С. М. ҚАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 8, 9|VI да Ҳаёт шоми.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 8|VI да **Жоним фидо**, 9|VI да **Олифта**, 10|VI да **Тошболта ошиқ**.

Кино

8 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Кумуш кўл хазинаси — САНЪАТ САРОЙИ (кечқурун).

Ғирт ёлғончи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (17.00, 21.45).

Қўҳна деворлар — НАВОИЙ номли (кечқурун.)

Шляпангни олиб, бўса ол! — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Кулгили қиз — «ЧАЙКА» (19.00)

Қизил бодрезак — ҲАМЗА номли (кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ғирт ёлғончи — «ФЕСТИВАЛЬ».
Ойнинг ўғирланиши — «ХИВА».
Шляпангни олиб, бўса ол! — ТЕЛЬМАН номли.

9 ИЮНДА

ҚИШКИ БИНОДА

Кумуш кўл хазинаси—САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Ғирт ёлғончи — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА» (12.00, 17.00, 21.45).

Қўҳна деворлар — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Шляпангни олиб, бўса ол! — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), «СПУТНИК» (жуфт соатларда). **Кулгили қиз** — «ЧАЙКА» (14.00, 19.00).

Қизил бодрезак — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

ЁЗГИ БИНОДА

Ғирт ёлғончи — «ФЕСТИВАЛЬ».
Ойнинг ўғирланиши — «ХИВА».
Шляпангни олиб, бўса ол! — ТЕЛЬМАН номли.

ТОШКЕНТ ТОПОГРАФИЯ ТЕХНИКУМИ

1974 — 75 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникум қуйидаги мутахассисликлар бўйича ўрта малакали кадрлар тайёрлайди: техник-топографлар, техник геодезистлар, техник-картографлар, инженерлик геодезия-техниклари.

Техникумда 8-синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати 3 йил-у 9 ой, ўрта маълумотлилар учун 2 йил-у 9 ой.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 АВГУСТДАН БОШЛАБ: математика (оғзаки), рус тили (ёзма)дан ўтказилади.

Ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

МАШҒУЛОТЛАР — 1 ОКТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Техникум ҳузуридаги сиртқи бўлимда техник топографлар, техник геодезистлар ва технин топографлар тайёрланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент — 125, М. Горький проспекти, 82-уй (17, 41, 69-автобуслар, 13, 22-трамвайларнинг «Универмаг» бекати).

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

слесарь-ремонтчилар, йиғувчилар, асбобсозлар, пайвандчилар, токарлар, фрезерчилар, нормаловчилар, шлифовкачилар, прессчилар, бўёқчилар, тиш фрезерчилари, термистлар, темирчилар, чарҳловчилар, кранчилар, юк ташувчиларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга мурожаат қилинсин.

Тошкент оқшоми 4 бет. 8 июнь, 1974 й.

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ГОРКОМА КП УЗБЕКИСТАНА И ТАШГОРСОВЕТА

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000; ТОШКЕНТ, ГСП, ДЗЕРЖИНСКИЙ КЎЧАСИ, 15-УЙ.

Р—10560. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64579. Нашр А—3134.

ТЕЛЕФОНЛАР: коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, Эълонлар бўлими—33-81-42.